Kitob dunyosi

Маънавий-маърифий, адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий газета

№ 9 (323)
2020 йил
3 июнь.
Газета ҳар ойнинг иккинчи ва тўртинчи чоршанбасида чоп этилади.

КИТОБСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ!

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Иброҳим ҒОФУРОВ, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби

Ёшим саксон учга етиб, бир фикрни кашф қилдим: дунёга яшаш учун келган одам жуда узоқ орзу қилиши керак экан. Шунда уфқлар очилар экан, ҳаёт уфқлари лолазор каби инсон олдида ястаниб ётар экан.

Маргарет МИТЧЕЛЛ, АҚШ адибаси

Бизнинг кимнингдир ҳаётидаги тутган ўрнимиз унинг қалбида қанча жой эгаллаганимиз билан эмас, ўзимиздан кейин қанча жой бўш қолиши билан ўлчанади.

Бизни билган билади, билмаган ўзи билади.

Жалолиддин РУМИЙ

Индира ГАНДИ (1917–1984), ҳинд давлат арбоби

ИЛМ ТАРАҚҚИЁТГА ҲИССА ҚЎШИШ УЧУН КЕРАК

Мен ҳамиша таълим соҳаси туб ислоҳотларга муҳтож деб билганларнинг бириман. Лекин, шу билан бирга, мен бизда таълим соҳасидаги ахвол унчалик ёмон эмас деб ҳисоблайман.

Бизнинг қадимий анъаналаримиз ва боқий қадриятларимизни ҳозирги замон илм-фани ютуқлари билан уйғунлаштира олиш замонавий илмли аёлнинг асосий мажбуриятларидан бири деб биламан. Эскидан қолган нарсаларнинг ҳаммаси бирдай яхши ёки бирдай ёмон бўлмагани сингари, янги чиққан нарсаларнинг ҳаммаси ҳам яхши бўлавермайди. Кўпчилик одамлар замонавий кўриниш учун янги урф бўлган кийимларни кийиш ёки мода бўлган сўзларни ишлатиш ёхуд муайян нарсаларга одатланиш шарт деб ўйлайди. Аммо буларнинг ўзи етарли эмас. Булар замонавий инсоннинг зоҳирий белгилари, холос.

Қадимий анъаналаримиз ва табаррук заминимиз пойдевор бўлган замонавий, мақбул жамиятга айланиши учун фикрлайдиган одамларимиз, тафаккур қиладиган қиз-жувонларимиз бўлиши керак. Улар хориждан келадиган ҳамма нарсани кўр-кўрона қабул қилмаслиги, балки уларнинг тагига етиб, нимани олиш мумкину нимани олиб бўлмаслигини ўзлари ҳал қилишлари лозим. Мана, илм бизга нима учун керак! Илм ёшларга доимо ўзгариб турадиган дунёга мослашиш ва унинг тараққиётига ҳисса қўшиш имконини беради.

Баъзи бировлар фақат юқори лавозимларни эгаллабгина муҳим бир ишни амалга оширишинг ёки ўз юртингга хизмат қилишинг мумкин деб ўйлайди. Бироқ ҳаммамиз яхши биламизки, ҳатто битта кичкинагина мурвати кўнгилдагидек ишламаса, энг мураккаб механизмлар ҳам керексиз матоҳга айланади.

Дунё шундай ажойиб яралган эканки, унда ҳамма нарсанинг ўз ўрни бор, ҳамма нарса умумий механизмга туташ. Биз ўз юртимиз учун жуда кўп иш қилишни хоҳлаймиз. Бизнинг истагимиз дунёни яна ҳам яхшироқ қилишдир.

Ҳасан КАРВОНЛИ таржимаси

Карлос Эрнесто ГАРСИА (1960), Сальвадор шоири ва ёзувчиси

ЁЗМАСДАН ЯШАШНИ ТАСАВВУР ҲАМ ҚИЛОЛМАЙМАН

Асли Лотин Америкасининг кичик бир мамлакатида дунёга келган бўлса-да, шеърларида инсон қалбининг катта туйғуларини тилга олувчи ижодкор Карлос Эрнесто Гарсиа замонавий шеъриятда анчайин машҳур шоирлардан ҳисобланади. Шу кунга қадар унинг "Қаҳр ҳам адо бўлар", "Ёнсин либослар ишқи", "Чордоқдаги жомадон" каби шеърий тўпламлари адабиётсеварларга тортиқ қилинган. Асарлари мусиқийлик билан уйғунлиашиб кетган шоир шу кунларда таҳририятимизга мактуб йўллаб ижод ва адабиёт ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Бир пайтлар немис шоири Райнер Мария Рилькенинг ёш шоирлардан бирига йўллаган мактубида ундан ёзолмай қолиш ҳақида сўраган экан. Ҳақиқат шундаки, агар ёзиш учун туғилган бўлсангиз, деворларга, дарахтларга, ҳатто ҳавога ҳам ёзаверасиз. Борлиғингизда, ич-ичингизда, қалбингиз тубида кимдир ёки нимадир бор. У китобларингизда ҳам, бажараётган ишингизда ҳам ўз аксини топаверади. Биласизми, шоир чоп этилган китобларига қараб белгиланмайди. Кимдир шеъриятнинг, адабиётнинг ўзга оламини тасаввур қилолмас, эҳтимол. Лекин биз ундан ташқаридаги оламда худди сувни тарк этган балиқ кабимиз: англаганингиз каби шахсан ўзим ёзмасдан яшашни тасаввур ҳам қилолмайман...

Мана шу каби маслак йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган нашрлар ҳозирги кунда камдан-кам топилади. Лекин Ўзбекистонда нашр этилаётган "Китоб дунёси" газетаси ҳақида бугун дунёнинг турли бурчларида кўпчилик ҳаяжон-ла гапирмоқда. Газетангиз ҳақида билганимдан буён асл нарсанинг қиймати ҳақида ҳукм чиқаришимиз нотўғри эканини англадим. Лекин айтишим мумкинки, ҳар қандай нашр адабиётни, санъатни танитиш, ҳурмат қилиш ва у орқали инсонларни мафтун қилиш кабилар тарғиботини мақсад қилади. Улар биргина ёзувчи ва ижодкорларни эмас, балки бутун бир жамиятни ёритади, чунки жамият ҳар бир миллатнинг маданий қадр-қийматини ўзида акс эттиради. Бизнинг истеъмол саватчамиздан кундалик эҳтиёжларимиз сифатида жой оладиган озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга руҳиятимиз озиғи бўлган китоблар, газета ва журналлар ҳам бўлиши керак. Шундай экан, руҳиятни озиқлантириш йўлидаги ишларингизда бардавомлик тилаб қоламан.

Моҳидил АБДУЛЛАЕВА таржимаси

Ангела де ЛЕО (1942), италиялик адиба ва адабиётшунос

ҚЎЛИМДА ҚАЛАМ ВА ШЕЪРИЯТИМ БОР

Италиянинг Бари шаҳрида туғилган шоира ва адабиётшунос Ангела Де Лео Европа ва Американинг кўплаб нуфузли мукофотлар билан тақдирланган. Ҳозирда кунда "Epics Edizioni" нашриёт уйининг шеърият бўлими раҳбари сифатида фаолият юритмоқда. Шоиранинг 15 дан ортиқ шеърий, насрий ва адабиётшуносликка оид китоблари нашр этилган. Шеърлари серб, албан, румин, испан, юнон ва инглиз тилларига таржима қилинган шоира айни кунларда таҳририятимизнинг адабиёт ва ҳаёт ҳақидаги саволларига жавоб йўллади.

Шукрким, аста-секин оғир синовлар ортда қолмоқда. Ўзингдаги ирода, сабот ва сабрдан ташқари, оғир дамларда оддий инсоний муносабат ва дўстларингнинг далдаси ҳам мадад бўларкан. Шоир дўстимиз Гекё Маринайга ташаккур билдириб ўтмоқчиманки, мени бағрикенг ўзбеклар, хусусан, адабиётга ошно "Китоб дунёси" газетаси билан дўстлаштирди.

Ҳозир бамайлихотир айта оламанки, ҳаммаси ортда қолди. Ўзимни қушдай енгил ва саодатли ҳис қиляпман, худдики қайтадан дунёга келгандайман.

Италия – она диёрим менинг. Ҳар қандай шароитда, бахтли ва рутубатли кунларимда ҳам ўз она тупроғимда бўлишни истайман. Италиянинг кўнгилни масрур қилгувчи табиати, минг йиллар адоғига бориб тақалгувчи санъатию адабиёти бор, ахир.

Бинобарин, ижод қила олиш – тақдирнинг улкан бир иноятидир. Негаки ижодсиз умрим бир тусда кечган бўлармиди. Ижодкорлик эса ҳаётингизда, тийнатингизда эврилиш ясайди. Эрих Фромм айтганидек: "Туғилмасидан ўлаётганлар бор, бироқ ижод абадий".

Менга шундай тақдир ато этгани учун Яратганга шукр дейман. Инсон бахтли бўлиши учун кўп нарса керак эмас аслида: оилам, уч қизим ва ўғлим, бутун дунёда юрагимга яқин бўлган ажойиб маслакдошларим бор. Қолаверса, қўлимда қалам ва шеъриятим бор.

Гулрух ИСЛОМАЛИЕВА таржимаси

МЕНДАН НИМА ҚОЛУР...

Кимни бахтли қилдим,
кимни умидвор,
кимларга кўнглимни ёриб сўйладим.
Қўлимни бердимми мозий қаридан
чўзилган саноқсиз ожиз қўлларга?!

Қуёш даласида эгилганларнинг
енгилроқ қилдимми оғирлигини?
Айтдимми кимларнинг асл дўстлигин,
кимларнинг ҳақиқий ёғийлигини?!
Кун келди –
бошингни эгадиган кун,
ҳаттоки ўзгалар гуноҳи учун
юзингни босганча ернинг юзига,
силкиниб-силкиниб йиғлайдиган кун...

Менда нима қолур,
абадий нурлар
барқ уриб яшнаган дунё томонда?
Уриниб – суриниб, сира тўлмаган
бир Кўнгил қолади
қолса ҳам мендан...

2-бет

Шавкат РАҲМОН

Габриэль Гарсиа МАРКЕС

«МАКОНДО»ЛИК АДИБ БИЛАН УЧРАШУВ

– Бундан анча илгари дўстим Фидель Кастро билан бирга бир ёққа боратуриб Тошкентда тўхтаб ўтганмиз. Туғилганимдан буён қадамим етган энг олис нуқта – сизнинг юртингиз бўлади. Тошкент менга сирли ва жозиб туюлган. У ҳозиргина қурилган, айни пайтда ўта қадимий шаҳарга ўхшаб кетади. Қани, яна қандай саволингиз бор?

3-бет

МУҲАББАТНИНГ ТУҒИЛИШИ

Шу ором ва фароғатга тўла саратон тунида боғ кўчадан бир қиз билан бир йигит келади. Уларнинг соялари олдинга чўзилган, худди шу сояни босиб олмоқчи бўладилар-у, етолмайдилар. Баъзан уларнинг бу узун соялари дарахт сояларига қўшилиб кетади-да, яна пайдо бўлади. Улар анҳор кўприги устида тўхташди. Икковнинг сояси кўприк устига кўндаланг тушиб ётиб олди.

2-бет

Саид АҲМАД

Адриатик ЖЕК

ОНАЛАР

Бугун ваъда берди менга тўлин ой,
Биламан, сўзида тура олар у.
Бу тўсиқни босиб ўтишим керак,
Онам билан яқин бўлмоғим учун.

О, ҳилол, айтгинки, онам – борлиғим,
Мен уни севаман жондан ортиқроқ.
Буларни ўзим ҳам айтишим мумкин,
Мени тинглармикин, қийнайди сўроқ.

У кетган дунёни, унинг қалбини,
Унинг кўзларини кўрармикан ой?
Онамнинг юраги сўнаркан мангу,
Юлдузга айланиб қолганмикан ой?

Уни ҳис қиламан хоҳ шом, хоҳ сабоҳ,
Уйқумда бошимни силар оҳиста.
О ҳилол, сен бор-да, онам-ла сўзлаш,
Айтки, ўғли истар, дилбандин истар.

Оналар бўлмаса, ғариб бу ҳаёт,
Шунчаки бўларди қуриган япроқ.
Оналар бор экан, яшнагай очун,
Оналар бор экан, порлар ёрқинроқ!

4-бет

МУШТИПАР

Бироздан кейин яна Алексей Николаевичнинг ғўнғиллаган товуши эшитилди. Чорак соатча вақт ўтди, унинг ўрнини бухгалтернинг жаранглаган овози босди.

– Жуда қабиҳ хотин экан! – деди ғазаби қайнаб Кистунов, асабийлашиб кетганидан елкалари даг-даг қалтирарди. – Эшакдан ҳам баттар бефаҳм экан... Яна бодим қўзғади, шекилли... Бошим лўқ-лўқ этади...

Нариги уйда Алексей Николаевичнинг тинкаси қуриб, бармоғи билан столни, кейин пешонасини уриб кўрсатди.

– Хуллас, бош деб қовоқни кўтариб юрган экансиз, – деди ахийри тоқати тоқ бўлиб.

4-бет

Антон ЧЕХОВ

Иброҳим ИЛЁСЛИ, озар шоири

Гоҳ жўшқин Сирдарё руҳим ичрадир, Гоҳо Амударё оқар ичимдан.

Ҳали бўлмаганман Ўзбекистонда,
Кўрмаганман улуғ Самарқандни ҳам.
Юрагим тортади Бухоро сари,
Бир чорлов келади Тошкент томондан.

Бир овоз: «Қайдасан, тезроқ кел!» дейди,
Билмайман, кимим бор ахир у ерда.
Ўнгимда жонланиб минор, қалъалар,
Хоразмни кездим хариталарда.

Тилимда Гўрўғли, Алпомиш номи,
Яна хотиралар кўнмас додимга.
Билга Хоқонимни эслагаким он,
Хива ҳам, хоқон ҳам тушар ёдимга.

Гоҳ жўшқин Сирдарё руҳим ичрадир,
Гоҳо Амударё оқар ичимдан.
Қизилқум саҳроси, Учқудуғи-ла,
Олис ўтмишларга боқар ичимдан.

Баъзан Сурхондарё кўринар, баъзан
Қашқадарё турар кўзим ўнгида.
Бир қарасам гулгун боғлари билан,
Фарғона тарафлар гуллар кўнглимда.

Тупроғингда не сир, не сеҳр бордир,
Мени чорлаяпсан мудом, Андижон.
Истагини ёриб қувончларимнинг,
Нигоҳимда унар Наманган, Қўқон.

Хаёлнинг сарҳади йўқ дерлар, биз-чун
Дунё бир тарафдир, Турон бир тараф.
Бир қарасам ахир Орол кўлидан
Руҳим учар Ҳазрат Султонга қараб.

Қадим Туркийлардир – жони, қони бир,
Бизда ҳам бор билинг, қора қалпоқлар.
Исми айтилмасдан сезаман доим –
Туғишган оғамиз Қорақалпоқлар...

Ўзим ҳам билмайман қанча бўлганин,
Саёҳат... эсласам айланар бошим.
Ватанни кезаман, шеър айтиб масрур,
Навоий руҳидир мангу йўлбошчим...

Озар тилидан Раҳмат БОБОЖОН ўгирди

Бир кўнгил қолади, қолса ҳам мендан...

Шавкат РАҲМОН

МЕНДАН НИМА ҚОЛУР...

Умр – қумсоат ҳам
яримлаб қолди,
кўнглим тўлгани йўқ билганларимдан.
Ёдимни оғритар кечирганларим,
кўпдир қилмаганим қилганларимдан.

Кечалар тобора ойдинлашади.
кўзингда қуёшнинг чечаги сўлмас,
яшагинг келади,
фақат умрни
қумсоат сингари тўнкариб бўлмас.

Гўзаллар ёдимдан ўчдилар бир-бир,
дўстларим бағримдан кўчдилар бир-бир,
йилларим узилиб тушдилар бир-бир,
фақат бу кўнгилни тўлдириб бўлмас...

Кун келди,
оҳларинг учадиган кун,
юрагинг оламга сиғмайдиган кун,
юзингни босганча ернинг юзига
силкиниб-силкиниб йиғлайдиган кун...

Кимни бахтли қилдим,
кимни умидвор,
кимларга кўнглимни ёриб сўйладим.
Қўлимни бердимми мозий қаъридан
чўзилган саноқсиз ожиз қўлларга?!

Қуёш даласида эгилганларнинг
енгилроқ қилдимми оғирлигини?
Айтдимми кимларнинг асл дўстлигин,
кимларнинг ҳақиқий ёғийлигини?!

Кун келди –
бошингни эгадиган кун,
ҳаттоки ўзгалар гуноҳи учун
юзингни босганча ернинг юзига,
силкиниб-силкиниб йиғлайдиган кун...

Менда нима қолур,
абадий нурлар
барқ уриб яшнаган дунё томонда?
Уриниб – суриниб, сира тўлмаган
бир Кўнгил қолади,
қолса ҳам мендан...

* * *

Сен мени билмайсан,
Билмайсан, йўқ, йўқ!
Оловдан ёмонман, сувдан баттарман.
Турарман, эшикни ёпарман қаттиқ,
Бош оққан томонга кетарман.

Мен қайтиб келмасман,
Хайр, бахтли бўл!
Вақтни сўрайди йўлда қоровул.
Мен чекиб бораман, ортга қарамай,
Жилпанглаб ўтади сўнгги трамвай.

Уйга ҳам етаман қоқ ярим тунда,
Жойимга ётаман чиқармай нафас.
Сен ухлай олмайсан, жуда яқинда
Энтикиб, энтикиб
Оласан нафас!

* * *

Кузатдим –
ҳар олма рангин сайёра,
солланиб турар ҳур шаббодаларда,
лимиллаган анҳор эшилиб оқар –
шамолда тебранган
шалоббо парда.
Тун келар,
қадимий осойишта тун,
ой ҳайдар булутлар –
теваларини,
саноқсиз қорамтир қалқонлар билан
дарахтлар яширар меваларини.
Ердаги коинот парчаси – боғда
бузила бошлайди тўсатдан сукун,
тинимсиз тўпиллар...
Саҳарга қадар
рангин олмаларни ўйлаб отар тун.

САФАР ОЙИ

Сен ётасан юмшоқ тўшакда,
деразангдан кўринар юлдуз.
Ҳамон ўйчан кўзинг олдидан
оқиб ўтар баҳору ёз, куз.

Даданг эса улкан адирда –
тўшаксиз, тор, қоронғи жойи.
Ҳатто парча осмони йўқдир,
йўқ офтоби, юлдузи, ойи.

Ўн йил аввал сени дунёга
берганди у ранжиб, оғриниб,
хавотир-ла кузатди ўн йил,
ўн йил сени кутди соғиниб.

Шамолларга бердинг ёшликни
ерга эмас, боқдинг осмонга,
бир одамга заруррок эдинг,
керак эмас эдинг жаҳонга.

Минг бор сени кечира олар,
кўзларингни вазмин нигоҳи
чавақлашга ҳақли бўлса ҳам
ҳамон турар меҳрли боқиб.

Ўйланасан, ўйлаган сайин
оғирлашган хотиранг оғрир,
бу меҳрибон, бу теран нигоҳ
оғир, оғир, нақадар оғир!

Ҳамон сени севар самимий
азобланар тўккан ёшингдан.
Кечалари сездирмай келар,
саҳаргача турар бошингда.

У шу қадар улуғ, камтарин,
унга ҳамон ярашар хўрлик –
тинч ухласин ўғлим деб ҳатто
тушларингга кирмайди, шўрлик.

БИРОВНИНГ ГУЛИ...

Деворла ўралган ҳовли ичида
ариқча лабига эгилган куйи,
атиргул ўртанар кимнинг ишқида,
эпкиндан қалтирар,
тўзғиган ўйи.

Эй десам,
атиргул ёмон титради,
тўкилиб кетдими дедим ҳидлари,
нураган деворнинг берги ёғида
бузилган юрагим нозик питради.

Шундоқ гул...
кимсасиз ҳовли ичида,
бегона нигоҳдан титрайди мунча.
Мунчалар хокисор кимнинг ишқида,
авжида очилган,
эмасди ғунча...

Шундоқ гул...
ҳалиям боқар ҳаёсиз,
ахир сал яширса дейман дардларин,
эҳ, шўрлик,
тобора қуёш аёвсиз,
ҳадемай тўкилар бахмал барглари.

Бир ўтли нигоҳдан титрайди ёмон,
журъатли бир қўлнинг садқаси, қули.
Ўзиям гулмисан гул эди, аммо
бировнинг гулийди,
бировнинг гули...

* * *

Тоғ ўтирар водийда танҳо,
оқ сочлари қоплаган кўксин,
минг йилларки бу нуроний тоғ
асрларга киради ўксиб...

Атрофида сон-саноғи йўқ –
қовжираган, сариқ адирлар –
қачонлардир юртим деб ўлган
паҳлавонлар ётган қабрлар.

Узоқ юрдим кекса тоғ сари,
гоҳ одимлаб, гоҳида чопдим,
нураган тош, қоя тагидан
гўёки тоғ кўзларин топдим.

Сўйлагандай бўлар эди тоғ,
тушунмасдим аммо сўзларин.
Қандай ғамгин эди бу кўзлар,
қандай йиғлар эди кўзлари!..

ТУНГИ МАНЗАРА

Ўрмонлар жим, йиғламас шамол,
сой сайрамас, бақалар жимдир.
Ингроқларга тўлиб кетган тун
ғамгин қўшиқ айтади кимдир.

Отим ўлган, қиличим синган,
мажақланган совут, қалқоним,
Ким ташлади мени бу чоҳга,
қайда қолди ёруғ осмоним!

Қаердаман, қайга борарман,
қора зиндон нақадар чуқур,
фақат тоқнинг буржидаги ой
туйнукчадан тушар хира нур.

Барча азоб камлик қилгандай
сой сайрамас, бақалар жимдир,
гўё мазах қилгандай гоҳ-гоҳ
ёпиб турар туйнукни кимдир...

Умри икки сана ўртасига сиғмайдиган инсонлар бор. Улар ота-онамизга, бизга, ҳатто фарзандларимизга ҳам севимли замондош. Мана шундай замондошларимиздан бири чинакам самимий ва ҳассос ёзувчимиз Саид АҲМАДнинг бу йил юз йиллик таваллуд аёми нишонланади. Ўз умрини ҳамон яшаттираётган асарлари ҳали қанча-қанча адабиёт ихлосмандларини қалбини забт этади. Қанчадан-қанча кўнгилларга беғубор ҳаволар олиб киради. Биз ҳам адабиёт мухлислари қаторида Саид Аҳмад ижодини соғиндик ва сизга ҳам илиндик.

МУҲАББАТНИНГ ТУҒИЛИШИ

Ҳикоя

Кеча жуда ойдин эди. Азамат теракларнинг **япроқлари кумуш аст**арларини ойга тутиб, **ором уйқусига кетишган.** Фақат ариқлардаги **тинмагур сувларгина** қўнғироқ чалиб сапчишади, **қирғоқлардаги гиёҳ**ларнинг баргларини тортқилаб, **уларни узоқ**ларга олиб кетмоқчи бўлишади. Уяларида **мудраган** қушлар эса уйқусираб патирлаб қўйишади.

Саид АҲМАД (1920–2007), Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси

Шу ором ва фароғатга тўла саратон тунида боғ кўчадан бир қиз билан бир йигит келади. Уларнинг соялари олдинга чўзилган, худди шу сояни босиб олмоқчи бўладилар-у, етолмайдилар. Баъзан уларнинг бу узун соялари дарахт сояларига қўшилиб кетади-да, яна пайдо бўлади. Улар анҳор кўприги устида тўхташди. Икковининг сояси кўприк устига кўндаланг тушиб ётиб олди.

– Қачон кетасан? – бу қизнинг овози эди.

– Ҳозир кетаман! – деди йигит бир қадам орқага тисарилиб. Унинг сояси кўприкдан ошиб, сув бетига тушди. Ойнинг сув жимиридаги чақини ўчди.

– Йўқ, Мирзачўлга қачон кетасан, деяпман.

– Бирон ҳафтадан кейин кетсам керак, – деди йигит бепарволик билан. Энди у яна олдинга чўзилди. Сув жилвасида яна ойнинг кумуш тангаси чақнади. – Ўзи уйинг қаёқда? Етай деб қолдикми?

Қиз орқасини ўгириб олди.

– Ўн йил бирга ўқиб, ҳалигача уйимни кўрмагансан-а, қўй-з. – Унинг овозида қандайдир ўпками, таънами, нимадир бор эди.

Улар бир неча дақиқа сўзсиз туриб қолишди. Қиз кўприк панжарасига бағрини бериб, сув оқиб кетаётган томонга қараб турарди. Сув шалоплаб соҳилга урилади, орқага қайтмоқчи бўлади, аммо оқим кучи уни қуйига, туннинг сирру сеҳрига тўлган қўйнига олиб кетади.

– Совқотдим, – деди қиз титраган товуш билан.

– Уйингга кета қол бўлмаса, – деди йигит унга раҳми келиб.

Қиз кескин бурилиб йигитга қаради. Қаради-ю, унинг кўзига тикилиб индамай қолди. У вужудида, қалбида нималар бўлаётганини билмасди. Унинг гоҳ йиғлагиси, гоҳ кулгиси, гоҳ бутун кечани остин-устин қилиб қўшиқ айтгиси келарди.

– Кетаман, хайр, – деди йигит унга қўлини узатиб, унинг ҳам қўли титрарди.

Йигит бир неча қадам нари кетди. Тўхтади. Орқасига ўгирилди, нимадир демоқчи бўлди. Деёлмади. У ҳам шарақлаб оқаётган анҳорга каради. Шамол эсди. Терак барглари шитирлади. Аллақайда бузоқ уйқусираб маъради. Кимдир жуда олисда қўшиқ айтди. Яна тинди. Йигит қайтиб келди-да, қизнинг билагидан ушлаб қаттиқ сиқди. Унинг сочларини қўлларига ўраб энтикди. Кейин тез бурилиб, узун соясини орқасига эргаштириб, кеча қўйнига кириб йўқ бўлди.

Қиз у билан хайрлашганини, билагини ушлаганини, сочларини қўлларига ўрагаанини сезмади. Фақат олисдан тош йўлда кўндаланг тушиб, бир кўриниб йўқ бўлган соясинигина эслаб қолди, холос. Қиз ҳам ўз соясини олдинга ташлаб, тош ётқизилган кўчада аста-секин юриб кетди.

Бу қиз худди шу бугун ўнинчини битириб, балоғат гувоҳномасини олди. Мактаб ҳовлисида ҳали ҳам чироқлар ёниб турибди. Хайрлашув зиёфатига келган ҳамсинфлар ҳали тарқалишганча йўқ. Ҳовлини тўлдириб рақс тушишяпти, қўшиқ айтишяпти. Тонг отиши билан улар ҳар томонга тарқаб кетишади. Улардан фақат бирга олдирилган суратгина ёдгор қолади, холос! Шундаймикин? Дўстлик-чи, ўн йиллик хотиралар-чи, бирга кечирган аччиқ-чучуқ кунлар-чи, ҳар куни бир неча бор дарсга чақирган қўнғироқ товуши-чи, ота-онадек меҳрибон ўқитувчилар-чи... Ҳаммаси энг ширин хотира бўлиб ёдда қолади. Мана шу азиз нурга, оҳангга тўлган беғубор хотиралар орасидан бўй чўзиб, қад кўтариб, ҳаммадан олдинда, ҳаммадан баланд бўлиб Омоннинг қиёфаси кўринади. Нега? Бу саволга қиз жавоб тополмасди. Жавоб ҳам излаб кўрмасди. Шу ойдин кечада ҳамма нарса унинг хотиридан кўтарилди-ю, биргина Омоннинг юзи, кўзи, гавдаси, бутун борлиғи билан пайдо бўлди.

У тош йўлдан битта-битта босиб шу йигит ҳақида ўйлаб борарди.

Омон синфдошлар ичида энг шўх, энг уришқоқ бола эди. У қизлар билан чиқишолмас, уларга кун бермас эди. Ёнига бирон қиз ўтириб қолса, зарда билан бошқа партага ўтиб кетарди. Пардоз қилган қизларни жуда ёмон кўрарди. Бир кун Санобар деган қиз юзига упа суриб келганда, унинг қўлини қайириб, дастрўмоли билан юзидаги упани артиб ташлаганди. Қизлар ҳам уни хушламас, минг хил лақаб қўйиб чакиришарди.

Имтиҳоннинг дастлабки кунлари эди. Омон синфда ҳеч ким йўқлигини билиб эшикни зичлаб беркитди-да, ғайритабиий бир товуш билан:

– Азиза, ўнинчини битирганимиздан кейин менга тегасанми? – деди.

Шунда Азиза жаҳл устида унинг юзига бир шапалоқ урди-да, йиғлаб чиқиб кетди. Бу сирни уларнинг икковидан бўлак ҳеч ким билмай қолди. Омон шундан кейин қизга рўбарў келишдан қўрқиб, ўзини четга олиб юрди. Кунлар ўтиши билан Азиза ўша воқеани тез-тез эслайдиган ва ҳар вақт эслаганда юрагининг аллақаери жиз этиб кетадиган бўлиб қолди. Ҳар гал мактаб ҳовлисига кириши билан кимнидир, ниманидир жонсарак бўлиб қидирарди. Унинг шўх, қувноқ кулгилари камроқ эшитиладиган бўлиб қолди. Ҳамиша чақнаб турадиган кўзларида билиб бўлмайдиган ички бир дардининг ифодаси сезилиб турарди. Омон ҳам уни зимдан кузатар, кўзи-кўзига тушганда бирдан тунд бўлиб қоларди.

Имтиҳонлар тугаб биров ишга, биров ўқишга кетадиган бўлди. Азиза қўйиб берса, ихтиёрини Омоннинг кўлига топширишга тайёр эди. Бугунги ҳайрлашув кечасида Омон Мирзачўлга, машина-трактор станциясига кетишини айтди. Ҳамма унинг бу қарорини чапак чалиб қарши олганда Азиза бир сесканиб кетган эди. Рақс бошланди. Азиза Омонни четга чақириб, ундан уйига кузатиб қўйишни сўради. Омон унга жавоб бериш ўрнига:

– Бай-бай-бай. Мунча атирга беланмасанг. Роса гупиллаб кетяпти-ку, – деди.

Азизанинг "О, тентак, ҳаммаси сен учун", деб юборишига оз қолди. "Кел, кузатиб қўя қол", деб ёлворди унга.

Шовқин тўла мактаб ҳовлисини ортда қолдириб, улар икковлашиб боғ кўча томонга йўл олишди. Ой нури боғу-роғларга оппоқ нур сочиб турган шу сокин саратон тунида уларнинг иккови жимгина келишаркан, на унисидан, на бунисидан садо чиқарди. Бу жимликни Омон бузди.

– Ўша беъмани гапимни эсингдан чиқаз, Азиза. – У шундай деди-ю бу камгап, лекин ниҳоятда ажиб бир ҳису ҳаяжонга тўлган қиз олдида ўзини кўрсатиш учун азим теракними, анҳор бўйидаги шохлари тарвақайлаб кетган толними илдизи билан кўтариб осмонга отгиси келди. Қиз ҳам унинг бу ҳолатини сезиб турарди.

– Қанақа бемаъни гап, эсимда йўқ, – деди қиз ўша "бемаъни" гапни яна эшитгиси келиб.

Омон тил чайнади.

– Ҳа, синфда икковимиз ёлғиз қолганда бир гап айтгандим-ку.

– Ҳа, – деди Азиза чўзиб. – Ўша гапни борди-ю эсимдан чиқазмасам-чи?

Омон юришдан тўхтади.

– Унақа бўлса, бу юзимга ҳам яна ур, шундай қилсанг, яхши бўлади, сени кузатмай қайтиб кета қоламан.

Азиза нима дейишини билмай гангиб қолди:

– У вақтда ёш бола эдик.

– Нега ёш бола бўларканмиз. Ўн беш кун бўлди, холос. Дарров катта бўлиб қолибмиз-да, – Омон шу гапни айтди-ю, шарақлаб кулиб юборди. Тол бутоғида мудраган мусича чўчиб кетди.

– Бўлмасам-чи, мана, – деди Азиза, шу бугун бундан ярим соатча олдин қўлига теккан етуклик аттестатини баланд кўтарди, балоғат гувоҳномасининг зар ёзувлари ой нурида ялтираб кетди. – Мана, катта одам бўлиб қолганимизнинг гувоҳи. Энди мени ёлғиз ташлаб уйингга кетиб қолмайсанми?

– Йўқ, – деди Омон унинг билагидан ушлаб. Азизанинг бадани дириллаб кетди. Дарров қўлини тортиб олди.

– Ўшанда юзимга ёмон ургансан-а.

– Айтдим-ку, у пайтда ёш бола эдик. Энди катта одаммиз.

– Энди ўша гапни айтсам, урмайсанми?

– Гап билан ураман, – деди Азиза, – Йўқ, урмайман, наҳотки, сени урсам! Сени урадиганнинг қўли синсин!

Омон маст одамга ўхшаб каловлаб қолди. Кетма-кет уч марта қоқилди. Толнинг каллагига бошини уриб олиб, дўпписини тушириб юборди. Осмонга қараб баркашдек ой баландлаб кетганини энди билди. Хўрсинди, гапи гапига қовушмай, қаёқдаги кераксиз гапларни алжий бошлади. Унинг бу ҳолатини қиз сезиб турарди...

Ҳозир у тош йўлдан битта-битта босиб ёлғиз келаркан, Омон ҳақида, ўзи ҳақида, юрагини ўртаётган алланималар ҳақида ўйлаб борарди. Она уни кута-кута чироқни ўчирмай, супа ўртасида аллақачон ухлаб қолганди. Қиз гулзор четидаги ўша супага ўтирди. Энгашиб райҳоннинг бир шохини синдирди-да, димоғига олиб келди. Райҳон иси уни чинакамига маст қилган эди. Унинг негадир ўкириб-ўкириб йиғлагиси келарди. Гуллар орасига кириб, чалқанча ётиб, қимирламай ойга қараб, то у ботиб кетгунча қараб ётгиси, шу гулларнинг ҳаммасини бирма-бир юзига суртгиси, ойнинг оқ ипак толасидек кўринмас нурларига чирмашиб, ҳув ўша юлдуз тўла осмонга чиққиси, бутун оламга етгудек овоз билан қўшиқ айтгиси келарди. Она супа ўртасида ширин уйқуда ётарди.

Э ғофил она, кўзингни оч, қизингнинг юрагига қулоқ сол. Унинг қалбига муҳаббат келди.

1959

Беларусда ўзбек адиби эътироф этилди

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан Беларусь Республикасида ижодий сафарда бўлган таниқли адиб Қўчқор Норқобил қатор очерк, эссе ва ҳикоялар ёзиб, мамлакатимиздаги нуфузли нашр "Янги Ўзбекистон" газетаси ҳамда ЎзА сайти орқали ўқувчиларга ҳавола қилганди. Бу очерк, эссе ва ҳикояларнинг айримлари рус тилига таржима қилиниб, ЎзАнинг рус тили таҳририятида ҳам эълон қилинди. Айниқса, адибнинг фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган асарлари беларусь халқи томонидан илиқ кутиб олинди.

– Ўзбек ёзувчиси Қўчқор Норқобилнинг Беларусь заминига қилган ижодий сафари бизни жуда мамнун этди. У Минск шаҳрига келгач, ўша куннинг ўзида "Уруш музейида" деган шеър ёзди. Шеър рус ва беларусь тилларига шу куниёқ таржима қилиниб, бизнинг бир қанча нуфузли нашрларимизда чоп этилди, шунингдек, "Беларусь" журналида адиб ижоди ҳақида рус, инглиз ва хитой тилида мақола берилди. Адибнинг сафар давомида ёзган ва нашрларимизда босилган ҳикоя ва очеркларини, очиғи, кўзда ёш билан ўқидим, айниқса, Брест қалъаси ва Пуховичи туманига қилган сафар таассуротлари жуда кўплаб беларусь ўқувчилари қалбига ҳаяжон солди. Айни кунларда Қўчқор Норқобилнинг қисса ва ҳикоялари жамланган китоб беларусь тилида нашр этилиш арафасида. Адабий алоқаларимизнинг янада ривож топиши ҳамда ўзбек ва беларусь халқлари орасида биродарлик ришталарининг мустаҳкамланишида бундай асарларнинг аҳамияти жуда чексиз. Яқинда Беларусда нашрдан чиққан "Пуховишина Беларусь адабиёти ўзаги" деб номланган китобда ҳам ўзбек адибининг адабий ҳамкорлик борасида қўшаётган ҳиссаси алоҳида эътироф этилган, – дейди Беларусь Республикаси Ахборот вазири, мазкур китоб муаллифи Алесь Карлюкевич.

“МАКОНДО”ЛИК АДИБ БИЛАН УЧРАШУВ



Анвар ЖЎРАБОЕВ
(1948–2010)

Ўзбек журналистикасида ўз ўрни ва ўз сўзига эга бўлган Анвар Жўрабоев вафот этганига 10 йил бўляпти. Унинг ўз вақтида турли нашрларда бир-биридан ажойиб суҳбатлари ҳам чоп этилган. Унинг суҳбатдошлари дунёга донғи кетган машҳур инсонлар эди. Хусусан, улар орасида хорижлик машҳур шоир ва ёзувчилар ҳам бор эди. Камоли ишонч ила айта оламизки, ўта самимий ва дилдан чиққан бу гурунглар ҳеч бир даврда ўз қадрини йўқотмайди.

Зотан, шундай инсонлар яшаб ўтганини хотирларканмиз, айни шу кунларда бу каби ҳассосларга қанчалар эҳтиёжимиз борлигини ҳис этамиз.

Шимолий кенгликнинг ўттиз иккинчи, жанубий кенгликнинг эллик олтинчи даражалари оралиғидаги саккизта жўғрофий минтақада ястаниб ётган ва ўттиздан зиёд каттаю кичик мамлакатдан иборат Лотин Америкасида олтмиш йил муқаддам Габо таваллуд топди, колумбиялик ана шу бола пайти келиб Габриэль Гарсиа Маркесга айланди.

Дунёи қўтирнинг борки аччиқ-чучугини татиган бу зотнинг юраги баҳри мавжвар тўлқинлари каби қирғоқларини беаёв савалагани савалаган. Йўқса, Нобель мукофоти топширилиш тантанасида сўзлаган нутқида адабий қарашлари ва ижод сирлари ҳақида гапириш ўрнига акобиру аъёнлар қиёфасини шу қадар алайно-ошкор фош қилардими у?

Мана, ўша олти йил аввал сўзланган нутқнинг давоми: “Лотин америкалик йигирма миллион бола икки ёшга тўлмасдан ўлиб кетишди. Қатағон туфайли бадар кетганларнинг сони бир юзу йигирма мингдан ошди. Бир миллион чилилик ёки аҳолининг ўн фоизи мамлакатини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Жами икки ярим миллион аҳолига эга мўъжазгина Уругвайнинг ҳар бешинчи кишиси қувғинда яшайди. Лотин Америкасидан кетиб қолган қочоғу муҳожирларни агар бир жойга тўплаб, давлат тузишса борми, аҳолиси миқдори Норвегияникидан анча кўп бўлар эди.

…Европалик тараққийпарварлар мамлакатларида ўрнатишмоқчи бўлган социал адолат нега энди Лотин Америкасига тўғри келмас экан?

…Йўқ, Лотин Америкаси беирода шоҳмот пиёдаси бўлишни асло истамайди ва бундай бўлмайди ҳам”.

Эзгулик, дарддошлик, мардонаворлик. Маркес сарбаландлигининг, муқтадирлигининг ибтидоси ана шулардир. Унинг жисми-жонини булар қанчалик чуқур банд этганини англаш учун ҳеч бўлмаса “Бузрукнинг кузи” ёки “Полковникка ҳеч ким хат ёзмайди”ни ўқиб чиқиш кифоядир. Ёинки “Ёлғизликнинг юз йили”ни.

Маркес ижоди билан танишганимдан ва, айниқса, “Ёлғизликнинг юз йили” романини Нурали Қобул билан бирга ўзбекчага ўгирганимдан сўнг бу улкан сўз санъаткорига, адабиётшуносларнинг таъбири билан айтганда, замонамиз адабиёти маршали бўлмиш аллома адибга нисбатан юрагимда чексиз эҳтиром туғилди. Адибнинг янги асарларию ижоди тадқиқ этилган рисолалар ундаги янги-янги хислатларни намоён этгани сари бу туйғу тағин зўрайди. Ахийри, у билан учрашиш, суҳбатлашиш орзуси кўнглимни банд этди.

Орадан кўп вақт ўтмай, унинг Москва кинофестивалига ташриф буюриши ҳақидаги хабар қулоғимга чалинди. Зудлик билан у ерга учишга аҳд қилдим. Фестиваль очилишига бир неча кун қолган. Устига устак, фестивалда иштирок этувчи журналистлар аллақачоноқ аккредитация қилинган. Одатда, улуғлар суҳбатини магнитофонда ёзиб оламан, лекин кейинги пайтлар у панд берар, устахонадагилар эса эплаб тузата олишмасди. Тағин, япон кассеталаридан топиш амри маҳол денг…

“Домодедово” аэропортидан тўғри “Москва” меҳмонхонасига йўл олдим, жойлашгач, фестиваль штаби – “Россия” меҳмонхонасига кирдим, оралиқ масофа яқин – кўчанинг нариги юзидан Қизил майдон бўйлаб Василий Блаженний соборининг шундоқ чап томонига ўтилса – бас.

Матбуот марказидагилар рўйхатга олишди, аккредитация карточкасини беришди.

“Ҳа, Маркес келган,– дейишди улар менинг саволимга жавобан,– лекин қайси меҳмонхонада, шуни аниқ айтолмаймиз. Фестивалнинг бошқа хизмат гуруҳидагилар балки ёрдам беришар сизга”. Бу беҳисоб гуруҳлар улкан меҳмонхонанинг талай хоналарини банд этган эди. Ўша куни кирмаган хонам қолмади, лекин уринишларим зое кетди.

...Маркесларнинг қаватига етиб келганимиздан сўнг у тўрдаги ойнаванд холлга бошлайди ва “Бу гал сизларни узоқ куттирмаймиз”, деб Марина Сергеевна билан хонага киради.

– Нима деб ўйлайсан, интервью берадимикан?– деб сўрайман суратчидан.

– Албатта-да,– дейди у ишонч билан,– йўқса, “Мени кечиринглар, вақтим зиқ”, деб қайтариб юборарди…

Мен ичимда саволларни такрорлаганча хонанинг у бурчагидан бу бурчагига бориб-келаман. Суратчи эса аппаратини текширишга тушади.

Чиндан ҳам бу гал бизни кўп куттиришмайди.

– Мен энди сизнинг ихтиёрингиздаман, – дейди Маркес.

– Суҳбатдан илгари, ижозат берсангиз, сизнинг таъбирингиз билан айтганда, юкимни енгиллаштириб олсам.

Сумкадан беқасам тўн, дўппи, қийиқ оламан. Чопонни Маркеснинг эгнига кийдириб, белига белбоғ боғлаб, бошига дўппи кийдираман.

– Менга ўлчагандай тикилган экан-а, раҳмат, – дейди у ва мени қучиб олади.

Шу пайт аллақаердан пайдо бўлган Мерседес “ўзбекка айланиб қолган” эрини кўриб, хандон отиб кулади, ҳеч ўзини босолмайди.

Маркес унга мени таништиради.

– Мерседес, – табассум билан қўлини узатади хоним.

– Бу сизга, сеньор Маркесга бизнинг миллий таомлардан ҳам тайёрлаб беришингиз учун.

– Эҳ-ҳе, зўр-ку! – қизиқиб қолади Маркес ҳам ва улар мен Мерседесга ҳадя қилган “Ўзбек таомлари” китобини (унинг матни ўзбек, рус, инглиз тилларида эди) бир-бир варақлаб, рангли суратларни кўздан кечиришади.

Маркес билан Мерседеснинг иноқлиги, улар орасидаги ўта самимий дўстона муносабат ҳақида кўп эшитган эдим. Мана, бунга ўзим ҳам гувоҳ бўлиб турибман.

Маркесга суксурдек икки ўғил ҳадя этган бу аёл ҳаётнинг барча ғаму аламини, шодлигу қувончини эри билан тенгма-тенг баҳам кўриб келаётир. Адиб асарларининг дунёга келишида унинг ўзига яраша ҳиссаси бор. Маркес “Ёлғизликнинг юз йили” романини ёзишга ўтиришдан аввал бор бисоти – машинасини сотиб, пулни хотинига беради-да: “Олти ойда романни ёзиб тугатаман. Унгача шу пул етар”, дейди. Асарнинг ёзилиши бир ярим йилга чўзилади. Пул тугаб, йўқчилик зиқлантириб турса-да, Мерседес оғирликни зиммасига олиб, роман битгунча эрини безовта қилмайди…

– Очиғини айтсам, – дейди Маркес, – ёзувчига хотин бўлиш ҳамма аёлнинг ҳам қўлидан келавермайди. Мерседеснинг мен туфайли кўрмаган азоби қолмади. Энди бу ёғи роҳат-фароғат дейсизми? Қаёқда!..

Аслида, менинг энг яхши асарларим китобларим эмас, ўғилларимдир. Баъзан шундай пайтлар бўладики, уйга таъбинг тирриқ ҳолда қайтасан. Лекин мен буни на рафиқамга, на болаларимга билдираман.

…Менинг бош вазифам – оталик.

…Бизникида ёзилмаган бир ақида мавжуд: оиламиз аъзолари олдидаги ҳар бир муаммони, албатта, тўртталамиз биргалашиб ҳал қиламиз.

Маркес гапира туриб суҳбатдошига тик боқади. Унинг тийрак, каттакон кўзларида гоҳо қалбни сиқиб юборадиган айёрлик аломати, гоҳ меҳр учқунлари жилва қилади.

“Испан истилочилари барча бойликларимизни талаб кетишди, аммо улар бизга – ўзлари сезмаган ҳолда – энг катта хазина – испан тилини қолдиришди”, деб ёзган эди Пабло Неруда.

Айтишларича, қадимий испан тили Испанияда эмас, ҳануз Лотин Америкасида сақланиб қолган. Испан тили ўта мусиқавий. Бу тилнинг ҳақиқий жозибасини ҳис этиш, камалакдек жилва қилишини туюш учун лоақал бир маротаба Маркеснинг суҳбатида бўлиш кифоя. Унинг овози ўта майин, хушоҳанг.

– Илк ҳикояларингизни қачон ёза бошлагансиз?

– Ўқишу ёзишни билмасимдан анча илгари. Мен ёзишу ўқишни билмасимдан аввал расм чизишни ўрганиб олувдим, дастлабки ҳикояларни расмлар ёрдамида “ёзганман”.

– Ёзувчиларни асосан истеъдодлар ва истеъдодсизлар тоифасига ажратиш мумкин. Аммо сиз уларни кандайдир бошқа тоифаларга ажратаркансиз?

– Тўғри, ёзмайдиганлар ва ёзадиганлар тоифасигаям бўлинамиз биз. Ажабланарлиси шундаки, давраларнинг тўри ёзмайдиган ёзувчиларники бўлади ҳамиша. Ҳозир аксар жойларда бу русумга кирянти – бирор кишининг ёзувчи деган номи бўлса – бас, қандай ижодкорлигидан, ҳатто анчадан буён қўлига қалам олмай қўйганидан қатъий назар, сажда қилгудек бўлишади.

Ёзадиган ва ёзгандаям зўр ёзадиган ёзувчи эса элга кам кўринади. Чунки у мудом ижод билан машғул бўлади-да.

– Ёзувчилар борки, бир бет нарса ёзиш учун жуда кўп қоғоз сарфлашади. Биз – ўзбекларнинг Абдулла Қаҳҳор деган маҳоратли адибимиз ана шундай ижодкорлардан эди…

– Биласизми, бир марта ўн икки бет ҳикояни ёзиш учун ярим мингта қоғоз сарфлагандим… Одатда, электромашинкада ёзаман. Иш жараёнида жумла кўнгилдагидек чиқмаса ёки бирор сўз ўрнига тушмаса, устидан ўчирмайман, тоза қоғоз олиб, бир бошидан бошлайман.

– Агар мумкин бўлса, ижодий жараёнингиз билан таништирсангиз.

– Ёшим ўтган сари ёзиш тобора оғирлашаётганини сезяпман. Ёшлигимда, газетада ишлаб юрганимда, ишдан кейин қолиб, ярим кечагача ижод қилардим. Ҳатто бир ўтиришда ҳикоя ёзиб ташлаган пайтларим бўлган. Энди эса… агар куни билан ярим бет, нари борса, бир бет ёзсам (эртасига қайта ишланмайдиган пишиқ-пухта қилиб, албатта), қувониб кетаман.

Мен эрталаб соат олтида ўриндан тураман. Икки соат мутолаа қиламан. Соат тўққизларда машинкага ўтириб, то иккигача ишлайман. Дам олиш куни мутлақо йўқ менда.

Ишга киришишдан олдин соқол оламан, ўзимни тартибга келтираман. Одатим шунақа. Бунга сабаб, мен ўқиган коллежда тартиб қаттиқ эди: эрталаб бешда турардик-да, ҳовлига чиқиб, муздай сувга ювинардик. Дарсга эса пижак кийиб, бўйинбоғ тақиб борардик.

– Ҳар бир асарингизни қиёмига етказиш учун қанча вақт сарфлайсиз?

– Ёзувчининг бирор асарини ёзиш учун қатъий бир муддат белгилаши кулгили, албатта. Асарнинг мукаммаллашуви осон кечмайди, шунга яраша вақт кетади. Масалан, “Бузрукнинг кузи”ни етти йилда ёздим. Унинг икки вариантидан воз кечишга тўғри келган…

– Маълумки, Лотин Америкасида романчилик анчадан буён тараққий этиб келаётган бўлса-да, кўпчиликнинг қизиқиши суст эди. Сўнгги йилларда унга эътибор шунчалик ошдики, ҳозир на сизнинг, на бошқа ҳамюртларингизнинг китобларини дўкондан топиб бўлади…

Лотин Америкаси насри, хусусан, романларининг оламшумул довруғи сизнинг назарингизда, нима билан изоҳланади?

– Ҳақиқатда ҳам романчилигимиз катта тарихга эга. Олтмишинчи йилларда Лотин Америкаси адабиётида кучли портлаш юз берди (унинг туб моҳиятини танқидчилар ҳозиргача билишолмай гаранг). Бу портлашнинг акс садоси дунёдаги барча адабиётларда ўз аксини топди ва топмоқда. Гарчанд нокамтарлик бўлса-да, шуни таъкидламоқчиманки, ушбу портлаш менинг “Ёлғизликнинг юз йили” романимдан кейин бошланди.

Бунгача Рульфонинг, Алехо Карпентьернинг кўплаб романлари босилиб чиққан, ўзим ҳам бирмунча асарлар ёзгандим. Лекин… “Ёлғизликнинг юз йили” эълон қилингачгина одамларнинг диққати бирдан бизга жалб бўлди, улар Лотин Америкаси романининг моҳиятини илғай бошлашди. Бошқача қилиб айтганда, биз керакли нишонга уриб, ўқувчиларни ўзимиз томонга оғдириб олдик.

Илгарилари асарларимиз кам таржима қилинса, энди таржимонлар бизни тинч қўйишмайди.

Ҳа, Маркес “Ёлғизликнинг юз йили” романини 1967 йилда ёзиб битиради. Оилалари қарзга ботган, ҳамма умид ана шу асардан келадиган маблағда эди. Аммо нималар кутяпти уни олдинда? Мерседес романнинг қўлёзмасини почта орқали “Сур американа” нашриётига жўнатар экан, асосан шу ҳақда ўйларди. Нашриёт мутасаддиларининг наздида, бу китобга шу адад ҳам кўпдек туюлган, сотилмай қолиб кетишидан чўчишган. Роман бир ҳафтадаёқ тарқалиб кетди! Шоша-пиша иккинчи адад чиқарилди. Бу ҳам яшин тезлигида тарқалди. Энди романнинг дунё бўйлаб салб юриши бошланди. Хорижий мамлакатларда унга бағишлаб тоғ-тоғ монографиялар, мақолалар эълон қилинди.

– Сиз президенти бўлган Лотин Америкаси киноси фондининг бугунги ишлари ҳақида гапириб берсангиз.

– Ҳозир Лотин Америкаси киноси танг бир аҳволни бошидан кечираяпти. Фильмлар ишлаб чиқариляпти-ю, афсуски, Лотин Америкаси давлатларида ўз фильмларимизнинг томошабинлари йўқ ҳисоби. Кейин картиналарни кўнгилдагидек намойиш этадиган жойлар ҳам етишмайди. Асли, кинематографиянинг, кинопрокатнинг ҳам Лотин Америкасига ҳеч қандан дахли йўқ, номиллий монополияларнинг қўлида улар. Бизнинг санъатимиз тақдири уларни заррачаям ташвишлантирмайди. Миллий киномиз мавқеини тиклаш пайти аллақачоноқ келган. Биз шу режани амалга ошириш мақсадида бундан бир йил бурун Лотин Америкаси кинематографчилари қўмитасини ташкил этдик. Қўмита эса, ўз навбатида, янги Лотин Америкаси Фондини тузди. Унинг штаб-квартираси Гаванада жойлашган. Ҳудудимизнинг ўн тўртта шаҳрида Фонднинг филиаллари мавжуд.

Биз йилига саккизтадан ўнтагача картина суратга оламиз. Аммо мени бир нарса – фильмларимизнинг тақдири ташвишга солади. Бизда фильмофонд, яъни картиналар архиви йўқлиги учун ҳам уларни узоғи билан, айтайлик, ўн беш-йигирма йил сақлаш мумкин, холос. Кейин эса… Ҳар бир фильм катта маблағ, оғир меҳнат эвазига вужудга келади-ку, ахир. Бундан ташқари, у хотира, этнографик хотира ҳам ҳисобланади. Фильмлар изсиз йўқолиб кетаверса, унда нима кераги бор уларни яратишнинг, унда нима зарурати бор турли-туман фестиваллар ўтказишнинг? Шунинг учун ҳам фильмофонд бизга сув билан ҳаводек зарур.

– Сизлар қандайдир мактаб ҳам очибсизлар...

– Қандайдир эмас, Лотин Америкаси кино ва телевидение мактаби. Шундай мактабни ташкил этиш менинг азалий орзуим эди. Бу орзунинг амалга ошиши учун кўп жойларга югурдим, кўпгина идораларнинг эшигини қоқдим (бўш вақтларимда эса романлар ёзиш билан шуғулландим). Охири, Куба раҳбарлари қўллаб-қувватлаб, маблағ ажратишгач, ишимиз юришиб кетди.

Мактабимизда асосан режиссёру сценарийнавислар тайёрланади. Мен мактабда “Ҳикоя қандай қурилади?” мавзусида семинар олиб бораман. Унинг тингловчилари билан ишлаш бирмунча мураккаб муаммолар туғдирмоқда. Боиси шундаки, улар маълум тажриба тўплашган; бу ерга келмасидан олдин икки-учтадан сценарий ёзишган, икки-учта фильм яратишган, бир сўз билан айтганда, улар аллақачоноқ шаклланишган, кўплари бир қолипга тушиб қолган. Энди бу қолипни бузишнинг иложини топиш осонмас.

– Кинематография билан адабиётнинг ўзаро ҳамкорлиги борасида фикрингиз қандай?

– Ҳозир кино қай бир даражада адабиётга тобе. Чунки режиссёрлар доимо пишиқ-пухта сценарийга, демакки, ёзувчининг кўмагига муҳтож. Аслида эса кино тамомила мустақил бўлмоғи, яъни режиссёр ўзгалар тўқиган воқеаларга ҳадеб мурожаат қилавермаслиги, балки юрагидаги дардни ифодалай билиши керак.

– Кинематография билан ҳамкорликни давом эттирасизми?

– Ҳамкорлигимиз кучаяди ҳали. Энди атай кино учун асарлар ёзиш ниятим бор.

– Сеньор Маркес, Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивали ўтиб туришидан хабарингиз бўлса керак?

– Ҳа, биламан. Тошкентда ўтаётган ҳар бир фестиваль тараққийпарвар мамлакатлар кинематографияси ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

– Еттинчи Тошкент киноанжуманида сизнинг “Бева Монтьель” ҳикоянгиз асосида тайёрланган фильм намойиш этилди. Чилилик кинорежиссёр Мигель Литтин суратга олган бу картина – ҳали-ҳали эсимда – томошабинларда катта қизиқиш уйғотганди. Келаси йил баҳорда галдаги фестиваль бўлади. Тошкент фестивалига ташриф буюрмайсизми? Шу баҳонада, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаям меҳмон бўлардингиз.

– Тошкентда бир марта бўлгандим, шаҳрингизга яна ташриф буюриш ниятим йўқ эмас. Чунки ўшанда уни тўйиб томоша қилолмаганман.

– Қачон бўлугандингиз Тошкентда?!

– Бундан анча илгари дўстим Фидель Кастро билан бирга бир ёққа боратуриб Тошкентда тўхтаб ўтганмиз. Туғилганимдан буён қадамим етган энг олис нуқта – сизнинг юртингиз бўлади. Тошкент менга сирли ва жозиб туюлган. У ҳозиргина қурилган, айни пайтда ўта қадимий шаҳарга ўхшаб кетади. Қани, яна қандай саволингиз бор?

– Боя сизнинг олдингизга келаётиб эшитиб қолдим, бугун, яъни ўн биринчи июль куни ер юзида беш миллиардинчи одам туғилар экан. Унга нима истаклар билдирасиз?

– Ҳа, хабарим бор. “Беш миллиардинчи одам” номини оладиган чақалоқ қайси мамлакатда туғилмасин (балки туғилгандир ҳам), соғ-омон ўссин, бахтли бўлсин ва йигирма иккинчи асргача умр кечирсин!

– Мана, суҳбатимиз ҳам ниҳоясига етди.

– Энди бизнинг меҳмонимиз бўлинг,– таклиф қилади Маркес…

Каттакон стол атрофида Мерседес бизни табассум билан кутиб олади.

Бу ердаги суҳбат бояги суҳбатга уланиб кетади. Аммо энди эру хотин кўпроқ мени саволга тутишади. Саволлар эса, асосан, Ўзбекистон хусусида. Улар бизнинг маданиятимиз ва санъатимиз, урф-одатларимиз билан қизиқишади. Гап тағин халқаро Тошкент кинофестивали устида борганида, уларни яна бир бор шаҳримизга таклиф қиламан. “Москвадан Тошкентгача неча соат училади?” – сўрашади улар. “Уч ярим, тўрт соатлар”. “Бизлар эса Колумбиядан келгунча роса ўн соат учдик… Май ойида совуқ бўлмайдими, ишқилиб? Совуқдан сал қўрқамиз-да”, – дейди Мерседес. “Мутлақо совуқ бўлмайди. Баҳор айни қулф урадиган палла бу, Тошкентимиз шу қадар гўзаллашадики! Турфа гуллар, чечаклар! Буни ўз кўзларингиз билан кўришга нима етсин!” “Насиб қилса, шу баҳор Ўзбекистонда бўламиз”, – дейди Мерседес. “Кутамиз сизларни…” – дейман хайрлашатуриб.

Уларнинг олдидан қушдай енгил тортиб чиқаман.

1987 йил

Адриатик ЖЕК – 1971 йилнинг 21 май санасида Албаниянинг Пермет шаҳрида туғилган. Тирана университетини тамомлаган. Асл касби ҳарбий, бизнез бошқаруви соҳасида ҳам фаолият кўрсатади.

Тангри яратгандан гўзалроқ макон Бўлмаса керак деб ўйлайман бехос

ДАРЁ БИЛАН

Пегасо...
Мен унинг бағрида экан,
Биз ҳаво изидан қувдик баробар.
Тоғда қоя аро кезган саросар
Чашмалар чайқалар нақадар бекам.

Биз унга эргашдик, булоқлар қочоқ,
Бош урар ва қайтар, имкони бўлса,
Кўприклар устига борини пуркаб,
Яшил ўтлоқларга улашар бўса.

Ва бошлар ҳиргойи, ҳатто қуёшга
Гап қотар буғларга дўниб изнсиз.
Тоғлар белги берар йўлни очмоққа,
Сўзсиз!

Тангри яратгандан гўзалроқ макон
Бўлмаса керак деб ўйлайман бехос.
Биз-ку яратмадик, аммо эзгулик
Ҳамда саховатга қилайлик ҳавас.

Пегасо, лочиним, қанотларингдан
Ҳеч завққа тўлмадим, кечиргин мени.
Табиатнинг куйи, борлиқ тилсими,
Унуттириб қўйди бугун ҳар нени...

* * *

Кўчалар кезаман, бетаъқиб, сокин...
Кўзларимнинг ранги мовиймас, чунки
Улар яшил эмас, ишонмасангиз,
Бир боқинг, кўрмаймиз сиз унда тунни,
Улар тўқ жигарранг, тупроқ рангида...

Ўйлайсизки, сиздек кула олмайман,
Чунки қора кўзсиз, фарқлимиз, қаранг.
Бошқаларда эса мовий нигоҳлар,
Менинг ҳам кўзим бор, фақат жигарранг.

Наҳот, бу шунчалар улкан муаммо,
Бизлар бир эмасми – олий яратиқ?
Баримизни замин бағрига қўйди,
Эгам яратиб...

Саёҳат битади, аммо барчамиз
Бирмизки, тан билан, жон билан, ҳатто,
Томирдаги қон ҳам югурар экан,
Бирлик номин қўймас тилидан асло...

Кимдир ғариб яшар, кимдир бадавлат,
Кимдир оқ, кўзлари мовий, фарқи: ранг –
Кимдир сариғ, кўзи тун мисол қаро,
Кимдир қора, кўзи эса жигарранг.

Бизларнинг фарқимиз кўп эрур, аммо
Барчамизга Ҳолиқ – ягона Худо!

МАРВАРИД СИРҒАЛИ ҚИЗ

Шаффоф парда нозик қаддини
Яширгандек бегона жондан.
Нигоҳ ташлар, дудоқ қирмизи –
Томирдаги бетўхтов қондай.

Тунга қиёс қорачиқлари,
Лек кўз оқи ёритар уни.
Йиртиб ташлар қайғуни бешак,
Ғубори йўқ бир табассуми.

Кунгабоқар рангланар, бир боқ,
Голландия экинзорлари...
Қиз қалбидан юлиб олинган
Соғинч қайта гуллай бошлайди.

Тўлқин сийпар оёқларини,
Сўнгра намлаб қўяди денгиз.
О, бу ўша, марварид зирак
Тақиб олган ўзи инжу қиз.

Дурни унга отаси берган,
У денгизчи, денгизда сузар.
Отасини кутар сулув қиз,
Чап кўксида марварид турар.

ЁЗСИЗ

Ёз йиртиб ташланган июль ўртаси...
Совуқ жинқириқдан тўкилар аёз.
Қуёш лаб босган дам япроқлар – маъсум,
Сўнг яна уларнинг бари шалаббо.

Қўчаларда оқар тақдирлар бетин,
Ёмғирпўш остида чопарлар ҳар ён.
Самодан келган, деб ажиб тортиқни
Бу борлиқ сипқорар бахтдан шодумон.

Совуқ шамолларга либослар битган,
Билмам, балки қуёш иккиланмоқда.

СОҒИНЧ

Онамни қўмсайман...
Унинг-чун кўксимда бир қуш йиғлайди.
Сабоҳлар бахт, қувонч тутарди менга,
Тунлар пешонамдан ўпган ҳилол ҳам
Онам эди-ку.
Кичрайиб бораман йиллар оралаб,
Сўзларин,
Сасларин,
Исларин қўмсайди дилим.
Онажон, сендаги борки нарсани
Соғиндим...
Бугун бу борлиғим бўшлиққа дўнган,
Кўзларингни кўрмоқ – орзуйим менинг,
Ҳатто, юзингдаги ажинларгача
Соғиндим…

Ҳаёт толиқтирар, дам олмоқ учун
Тиззангга бошимни қўйсам хотиржам.
Бахт ва шодликлардан гуллайди бугун
Маъсума лабларинг қўнган пешонам.
Овозинг тингласам, унутмай дейман,
Сенсиз дамларимдан қисматим тонар.
Тарк этмагин асло хотирларимни,
Тарк этсанг, шу қўрқинч мен учун, она!

Недир дегинг келар, лек сўзлолмайсан,
Ҳаётинг, бу умринг учди қуш каби.
Мен узоқ йиғладим...
Такрор қўмсадим,
О, ширин сўзларинг энди туш каби:

"Сен бутун борлиғим, жон ўғлим, хайр..."
Дарбоза ёнида кузатар эдинг.
Зиналар соғинган қадамларингни,
Мен сени жимгина кузатдим энди.

Сен ҳаёт бағрида бўлган пайтлардек,
Мен сўзлай бошлайман, кўзларим беҳол
Тиззамга бош қўйган қабринг қошида.
Тупроқ, яна қанча умрим бор менинг,
Онамсиз қанча йил бордир бошимда?

Она, суҳбатингни жуда соғиндим...

ОНАЛАР

Оналар байрамига

Бугун ваъда берди менга тўлин ой,
Биламан, сўзида тура олар у.
Бу тўсиқни босиб ўтишим керак,
Онам билан яқин бўлмоғим учун.

О, ҳилол, айтгинки, онам – борлиғим,
Мен уни севаман жондан ортиқроқ.
Буларни ўзим ҳам айтишим мумкин,
Мени тинглармикин, қийнайди сўроқ.

У кетган дунёни, унинг қалбини,
Унинг кўзларини кўрармикан ой?
Онамнинг юраги сўнаркан мангу,
Юлдузга айланиб қолганмикан ой?

Уни ҳис қиламан хоҳ шом, хоҳ сабоҳ,
Уйқумда бошимни силар оҳиста.
О, ҳилол, сен бор-да, онам-ла сўзлаш,
Айтки, ўғли истар, дилбандин истар.

Оналар бўлмаса, ғариб бу ҳаёт,
Шунчаки бўларди қуриган япроқ.
Оналар бор экан, яшнагай очун,
Оналар бор экан, порлар ёрқинроқ!

Эҳтимол, қишда ҳам сабаб етарли
Ёзнинг бир қисмини ўғирламоққа...

БАҲОР

Шарқдан эсаётир илиқ шабада,
Замин муҳаббатдан қувнар, чиройли.
Тоғлардаги қорлар – дилизҳор, эрир,
Сулув чечакларга тўлади борлиқ.
Энг узоқ йўл босиб келар нури шамс,
Қушлар ортга қайтар, ҳеч ҳам уялмас...



Инглиз тилидан
Моҳидил АБДУЛЛАЕВА таржимаси

МУШТИПАР

Ҳикоя

Антон ЧЕХОВ (1860-1904), рус адиби

Кистуновнинг кечаси боди қаттиқ тутиб, асаблари қўзғаб, нари бориб, бери келган бўлса ҳам эрталаб ишга жўнади-да, аризачилар ва банк мижозларини ўз вақтида қабул қила бошлади. У чарчаган ва азоб чеккан кишидай кўринар, худди жон бераётган беморда, зўрға нафас олиб гапирарди.

– Хўш, хизмат? – деди у устига даққиюнусдан қолган либос кийган, орқасидан худди гўнгқўнгизга ўхшаб кўринадиган аёлга қараб.

– Менинг арзимга қулоқ солинг, жаноби олийлари, – деб гапини бошлади арз қилиб келган хотин чакаги чакагига тегмай. – Эрим Шчукин беш ой бетоб бўлиб ётиб қолди. Мен сизга айтсам, эрим шу беш ой касал бўлиб, шифоланиб ётганида, ҳеч қандай важсиз уни ишдан бекор қилиб қўйишибди. Ойлигини олгани борсам, ойлигидан йигирма тўрт сўму ўттиз олти тийинини босиб қолишибди. «Нима важдан энди?» деб сўрасам, «Эрингиз ўзаро ёрдам кассасидан қарз олган эди, бошқа амалдорлар унга кафил бўлишган», дейишди. Бу қандоқ бўлди? Мендан берухсат сира пул олмасди. Бундай бўлиши мумкинмас, жаноби олийлари! Нега бундай қилишади энди? Мен бир бечора аёл бўлсам, фақат ижарачиларимдан тушадиган пул билан кун кўрсам... Ўзим бир муштипар аёлман, йўқлайдиганим йўқ... Ҳамма мени хўрлайди, ҳеч кимдан яхши гап эшитмайман...

Арз қилиб келган хотин киприкларини пир-пир учирди-да, чўнтагидан дастрўмолини олиб, кўзига тутди. Кистунов унинг аризасини олиб, ўқий бошлади.

– Кечирасиз, гапингизга тушунолмай қолдим, – деди Кистунов кифтини ўчириб. – Сиз бу ерга адашиб келиб қолибсиз, назаримда, хоним. Аризангизнинг бизга сира дахли йўқ. Эрингиз хизмат қилган маҳкамага бориб арз қилишингиз керак...

– Йўғ-ей, барака топкур! – деди Шчукина. – Беш жойга бориб арз қилдим, аризамни ҳеч ким қўлигаям олиб кўрмади. Куёвим барака топкур Борис Матвеич сизни айтмаса, нима қиларимниям билмай қолгандим. «Сиз Кистунов деган жанобга мурожаат қилинг, унинг қўли узун, айтганингизни дарров тўғрилаб беради», деди. Ёрдамингизни аяманг, жаноби олийлари!

– Шчукина хоним, бизнинг қўлимиздан ҳеч нарса келмайди... Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, менинг билишимча, эрингиз ҳарбий-тиббиёт маҳкамасида хизмат қилган, бизнинг идорамиз эса мутлақо хусусий идора, тижорат идораси, бу ер банк деб аталади! Шунгаям тушунмайсизми?

Кистунов «Ҳайронман» дегандай яна елкасини қисди-да, ҳарбийча кийинган ва лунжини бойлаган кишига ўгирилди.

– Жаноби олийлари, – деди яна Шчукина мунгли бир товуш билан, – эримнинг касал ётгани тўғрисида маълумотномаям бор. Мана, ўзингиз бир қаранг.

– Жуда соз, гапингизга ишонаман, – деди Кистунов ранжиган ҳолда. – Аммо, яна такрор айтаманки, бунинг бизга ҳеч дахли йўқ. Ажабо, наҳотки, қаерга арз қилишни эрингизнинг ўзи билмаса?

– Эрим ношуд, ҳеч балони билмайди, жаноби олийлари! «Бу сенинг ишингмас! Аралашма!»дан бошқа ҳеч нарсани билмайди... Менинг ишим бўлмаса, кимнинг иши бўлади? Ахир, бариси менинг устимга чиқиб олишган! Менинг устимга!

Кистунов яна Шчукинага ўгирилиб, ҳарбий-тиббиёт маҳкамаси билан хусусий банк ўртасидаги тафовутни тушунтиришга киришди. Хотин унинг гапини диққат билан тинглаб, тушундим дегандай бошини эгди-да, кейин:

– Дуруст, дуруст. Тушундим, иним, тушундим, – деди. – Ундоқ бўлса, одамларингизга буюринг, тақсир, жуда бўлмаса, ўн беш сўмини беришсин! Қолганини кейин олсам ҳам майли.

– Уҳҳ, – деди Кистунов, кўзларини шипга тикиб. – Фаросат борми ўзи? Бундай арз билан бизга мурожаат этиш – эрингиздан ажралиш тўғрисида дорихонага ёки шиша заводига арз қилиш билан баравар, тушундингизми энди гапга? Эрингизнинг пулидан босиб қолишган экан, бизга нима?

– Жаноби олийлари, бўйингиздан ўргилай, ўла-ўлгунимча дуонгизни қилиб юрай, – эланди Шчукина кўз ёши қилиб, – мен муштипарга раҳмингиз келсин! Мен бир муштипар аёлман, ҳимоячим йўқ... Қийналганимдан ўлиб бўлдим... Ижарачилар билан сўзлашсам, эримнинг ташвишини тортсам, уй-рўзғорга қарасам, бунинг устига, куёвим ҳам беамал юрипти... Номига

ейман, ичаман, аслини суриштирсангиз, зўрға юраман... Туни билан ухламай чиқдим.

Кистуновнинг юраги гупиллаб ура бошлади. Афтини буриштириб, қўлини чап кўкрагига қўйиб, Шчукинага яна гап тушунтира бошлаганди, бироқ овози бўғилиб қолди.

– Йўқ, кечирасиз, бўлди, сиз билан гаплашишга тоқатим қолмади, – деди у қўлини силтаб, – сизга гап тушунтираман деб, бошим айланиб кетди. Бизниям ишдан қолдиряпсиз, ўзингиз ҳам бекор вақт сарфлаб ўтирибсиз. Уҳҳ!.. Алексей Николаевич, – деди хизматчилардан бирига, – Шчукина хонимга сиз тушунтиринг!

Кистунов қабулхонада ўтирганларнинг арзларини эшитиб бўлгач, ўзининг кабинетига кириб кетди-да, ўн-ўн бешта қоғозга қўл қўйди Алексей Николаевич ҳамон Шчукина билан овора эди. Кистунов ўзининг кабинетида ўтириб, Алексей Николаевичнинг гўдиллаган ва босинқи товушини, Шчукинанинг йиғи аралаш чийиллаган овозини эшитиб ўтирарди.

– Мен бир ожиз муштипар, касалманд аёлман, – дерди Шчукина. – Афтимдан бақувват кўринсам ҳам, суриштириб қараганда, биттаям соғ томирим йўқ... Иштаҳам ҳам қочган, зўрға юраман... Бугун эрталаб қаҳвани зўрға ичдим, мазасиниям билмадим.

Алексей Николаевич бўлса ҳамон маҳкамалар ўртасидаги фарқни, қайси аризалар қайси идорага олиб борилиши кераклигини тушунтириб ётарди. Охири чарчагандан сўнг унинг ўрнини бухгалтер эгаллади.

– Шунақаям бадҳазм хотин бўладими?! – дерди Кистунов жиғибийрони чиққандан бармоқларини қирсиллатиб ва графиндан дам-бадам сув ичарди. – Жудаям аҳмоқ, бефаросат хотин экан-ку. Мени қийнади, энди уларнинг устига чиқиб, мияларини қоқиб ейди бу! Уҳ... юрагим ёрилиб кетай дейди!

Ярим соатдан кейин қўнғироқни босди. Кабинетга Алексей Николаевич кирди.

– Хўш, у хотиннинг иши нима бўлди? – деб сўради Кистунов ҳорғин бир ҳолда.

– Гап тушунтирамиз деб, ўлиб бўлдик, Пётр Александрович! Қийналиб кетдик! Биз боғдан келсак, у тоғдан келади...

– Овозини яна бир эшитсам ўламан... Тобим қочди... Жоним бўғзимга келди...

– Дарбонни чақириб, кўчага ҳайдаб чиқартирамиз-кўямиз.

– Йўқ, йўқ, зинҳор! – деди Кистунов қўрқиб кетиб. – Дод-фарёд кўтариб юборишдан ҳам тоймайдиганга ўхшайди, бу бинода хонадонлар кўп, тағин устимизда гап-сўз бўлиб юрмасин. Ўзингиз яхшилаб тушунтиринг, азизим.

Бироздан кейин яна Алексей Николаевичнинг ғўнғиллаган товуши эшитилди. Чорак соатча вақт ўтди, унинг ўрнини бухгалтернинг жаранглаган овози босди.

– Жуда қабиҳ хотин экан! – деди ғазаби қайнаб Кистунов, асабийлашиб кетганидан елкалари даг-даг қалтирарди. – Эшакдан ҳам баттар бефаҳм экан... Яна бодим қўзғади, шекилли... Бошим лўқ-лўқ этади...

Нариги хонада Алексей Николаевичнинг тинкаси қуриб, бармоғи билан столни, кейин пешонасини уриб кўрсатди.

– Хуллас, бош деб қовоқни кўтариб юрган экансиз, – деди ахийри тоқати тоқ бўлиб.

– Ҳой, нима деяпсан ўзи? – деб хафа бўлди кампир. – Бу гапларингни хотинингга бориб айт! Амалдор бўлмай кет! Қўлингга эрк берма!

Алексей Николаевич дарғазаб ҳолда уни бўғиб ўлдиргудай бўлиб қаради-да, хириллаган товуш билан секин:

– Йўқол ҳозироқ бу ердан, – деди.

– Нима деяпсан? – деб бирдан чинқириб юборди Шчукина. – Нима ҳақинг бор? Мен бир муштипар, ожиз аёл бўлсам, мен бунга сира чидаб туролмайман! Эрим саккизинчи даражали маслаҳатчи бўлади! Вой, сенинг амалингга! Адвокат Дмитрий Карличнинг олдига бориб бир арз қилсам, ном-нишонинг қолмайди! Учта ижарачини қаматтирдим, бундай бетамиз гапларинг учун оёғимга йиқилиб узр сўрайсан ҳали. Мен сизларнинг генералингизга бориб устингдан арз қиламан! Жаноби олийлари! Ҳой, жаноби олийлари!

– Йўқол дейман ҳозироқ бу ердан, аблаҳ! – деб ўшқирди Алексей Николаевич.

Кистунов эшикни очиб, идорага қаради.

– Тағин нима гап? – деб сўради у йиғлагудек бўлиб.

Қисқичбақадай қизариб кетган Шчукина хонанинг ўртасида туриб олиб, кўзларини жавдиратар, қўлларини пахса қилар эди. Банк ходимлари ҳам қип-қизариб, унинг атрофида тизилиб туришар ва жуда ҳолдан тойиб, бир-бирларига қарар эдилар.

– Жаноби олийлари! – деб ташланди Шчукина Кистуновга. – Манави... манави одам... (хотин Алексей Николаевични кўрсатди) бармоғи билан пешонасини, кейин столни қоқиб кўрсатди. Сиз бунга менинг аризамни тинглашни буюрсангиз, у мени масхара қилди! Мен бир муштипар, ожиз аёлман... эрим саккизинчи даражали маслаҳатчи... ўзим майорнинг қизи бўлсам!

– Хўп, хоним, аризангизни ўзим кўриб чиқаман... – деди Кистунов зўрға. – Чорасини кўраман... Энди кетинг!.. Кейин келарсиз!..

– Пулни қачон олишим мумкин, жаноби олийлари? Менга пул бугун жуда зарур эди!

Кистунов даг-даг титраган қўли билан пешонасини силади-да, уҳ тортиб, яна тушунтира кетди:

– Хоним, мен сизга ҳамма гапни айтиб тушунтирдим-ку, ахир! Бу ерни банк дейдилар, хусусий тижорат идораси... Яна нима дейсиз энди? Сиз бизни ишдан қолдирдингиз, тушунасизми ўзи?

Шчукина гапни тинглаб бўлиб, уҳ тортди.

– Майли, майли... – деди у. – Фақат, жаноби олийлари, ўзингиз раҳм қилинг, отам бўлинг. Агар шифокор маълумотномаси камлик қилса, участкадан ҳам маълумотнома келтириб бераман... Айтинг, пулни беришсин!

Кистуновнинг кўзлари тиниб кетди. У ўпкасидаги бутун нафасини пуф деб чиқарди-да, ҳолдан тойиб, ўзини стулга ташлади.

– Неча пул дейсиз? – деб сўради ҳолсиз товуш билан.

– Йигирма тўрт сўму ўттиз олти тийин.

Кистунов чўнтагидан ҳамёнини олиб, 25 сўмлик пулни олди-да, Шчукинага берди.

– Манавини олинг-да, кетинг!..

Шчукина пулни дастрўмолига тугиб, қўйнига солди-да, худди сатанглардай тиржайиб, сўради:

– Жаноби олийлари, эримни яна ишга жойлаштириб қўйиш масаласи қандоқ бўлди?

– Ҳозир кетмасам бўлмайди... Тобим қочди... – деди Кистунов зўрға. – Ҳозир юрагим қинидан чиқиб кетади...

Кистунов уйига жўнаб кетиши билан Алексей Николаевич Никитани дорихонага юборди. Амалдорларнинг ҳаммаси 20 томчидан дори ичиб, ишга киришдилар. Шчукина эса яна икки соатча даҳлизда хизматчи билан сўзлашиб, Кистуновни кутиб ўтирди.

У эртаси куни ҳам келди.

1887

Рус тилидан
Одил РАҲИМИЙ таржимаси

Сенинг ғуссанг билан яшайман узоқ

Рус шоири, таржимони ва адабиётшуноси Михаил Синельников 1946 йили Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳрида таваллуд топган. 1975 йилда «Бутутлар ва қушлар» номли илк шеърий тўплами чоп этилган. Европа, Узоқ Шарқ, Шимолий Кавказ, шунингдек, ўзбек, қирғиз, қозоқ, озар, туркман, татар, болқор, қорачой, арман, тожик, форс халқлари шериятидан намуналарни рус тилига таржима қилган. 2011 йилда танланган таржималари "Шарқ шеърияти" номи билан китоб ҳолида чоп этилган. Синельников кўплаб адабий мукофотлар соҳиби саналади, жумладан, Иван Бунин (2010), Арсений ва Андрей Тарковскийлар (2012), Георгия Леонидзе (2002), Алиқул Осмонов (2006), Нажаф Нажафов (2013) номларидаги адабий мукофотлар билан тақдирланган. Шеърлари инглиз, олмон, испан, поляк, булғор, серб-хорват, румин, турк, озар, форс, ҳинд, ўзбек, қирғиз, грузин, арман, осетин, корейс тилларига таржима қилинган.

ОЛИС ЎРМОН

Олис ўрмон каби жам бўлди йиллар,
Мен йўқлай олмасман, йўқ бунда кимса.
Далада сокин дам жарангга тўла
Овоз қайтди бирдан учмоқни истаб.

Ёнғоқзорлар жавоб айлади қанча,
Чўққилари қулаб, қўзғалди тоғлар.
Қудрати жўшганча, тўлиб-тошганча,
Бунда кўкка бўйлар акс-садолар.

Берилган ёшликни увол қилмасман,
У ерга қайтгил сен, шу оламда қол.
Бунда ҳар нарсадан хабардор осмон
Яшил ўтлоқ аро сўз қотмас зинҳор.

БЕҲУДА ХОТИРА

Ҳаёт мени қанча бўғгани сайин,
Эҳтиросга тўлар чанқоқ нафасим.
Беҳуда хотира озордир тайин,
Бироз унутмоқни истадим.

Жонга тегди хотира – барчаси бирдек,
Ташланган терини қайта кийгандек.
Минглаб кунлар бағрига қайтмоқ...
Ўн йилларга – ёшроқ, телбароқ,
Йигирма йилларга – софроқ, ҳалолроқ.

Оғриқдан оғриққа учиб ўтганча,
Рангин дунё қилганда ҳаста.
Ҳамширага ўхшайди йиллар,
Эмлаш чоғи қайтган нафасдай.

УЗУК

Олтин бўшлиқ сенга қолди, боқ,
Марваридни кемирар кучук.
Унда бирор маъно йўқ, бироқ
Чиқарилмас узукдан узук.

Хира тортган мажруҳ умрда
"Тирикман!" деб айтар бу кўнгил.
Қувончию севги нуридан
Ишқнинг ўзи кучлироқ, мангу.

* * *

Гоҳида аянчли омадсизлик бор,
Тангрим сабоғида талабчан ҳар он.
Ҳаёт берган қувват топмайди завол,
Хато тузатишга берилган имкон.

Қайнашнинг охири совуқ ўлимдир,
Жўшиш, интилиш ҳам азобдек келар.
Токи остимизда чуқур дарё бор,
Кўпик пуфагидир аммо бу йиллар.

* * *

Эниш – даҳшат, кўтарилиш – тик,
Тун неларни кўзга қилмас дуч.
О, эркин ва виқорли булут
Ва бошимга тушмаган қилич.

Қамоқ, тўрва, тикув қайчиси...
Ер телбавор қадам ташлади.
Тугаб битди тунги қўрқувлар,
Кундузги даҳшатлар бошланди.

* * *

Аёл нўноқлашиб сўз айтар ёлғон,
Недандир куларди, ненидир кутар.
Ўзга ҳаёт билан банд эди жонон,
Кўзгу ёлқинланиб кетар олдида.

Олти йил нифоқда кечди, қувончсиз,
Олий бахт – бир ҳовуч қумдир у кафтда.
Мовий тус оларди қошида денгиз,
Юлдузли булутлар ёнарди кўкда.

Қадим изтироблар, қуёш айланар,
Барча кўргуликка лаънатим чунон.
Аммо у олдимга кирса ҳар сафар,
Яна томиримга бахш этарди қон.

Баланд кўнгли билан яшарди қалбда,
Узоқ йиллар ўтгач англадим хумор.
У мени тингларди эшитмасдан ҳам,
Гоҳида бир севар эди, эҳтимол.



* * *

Аён бўлганида менга ҳижрон, дард,
Бир умр ёдимга солмасин дебон –
Эски қиссалардан жой олган сурат
Ва барча хатларни ёкдим бу замон.

Ғужанак ҳолида ёнарди уюм,
Қорайиб боради аёлнинг юзи.
Олов ва куйинди ичра ҳаётим,
Қайта жонланди-ку шуълада сузиб.

Мени алангада ёндирар япроқ,
Кўкка ўрлаётган аччиқ тутунда –
Сенинг ғуссанг билан яшайман узоқ,
Табассуминг ёдда сақлаб мангуга.

* * *

Оламдаги шу ягона қалб
Ўз аксида кўринган чоғда
Кўзгуда йўқликка кетади кириб,
Бўм-бўш макондаги гуноҳдай.
Узоқ йиллар олдин айро тушган ул
Ўзининг эгизин тезроқ кўрай деб,
Қалбим аксилўлак ойналаридан
Унинг сари юрар ёрқин ёғдудек.

ЧЎЛ ЙЎЛИ

Йўл, шошасан бунча жонсарак,
Бизни бошлаб қайга борасан.
Йўлни давом эттирай, десак,
На чеки бор, на остонаси.

Ҳатто поезд шовқини бунда
Олислардан учиб ўтади.

Борлиқ бирдай кўринар худди
Чолғучининг торлари каби.

Боболардан қолган азалий
Булоғи ҳам оқади тинмай.
Гоҳ тўғри, гоҳ эгри йўл солиб,
Оқар соясини қолдирмай.

Сузар бургут ўнгу сўл ичра,
Саратонда учар асрлар.
Узоқдаги саксовул узра
Қотиб турар сассиз абрлар.

Эркин, озод чўл қуши сокин –
Туманлардан очиб бир дарча,
Сайр этади тиним билмайин,
Қанотида вақтни тутганча.

* * *

Осмонида юлдузлар чўғдек,
Сокинликка чўмгандир боғи.
Худди ўн йил аввал бўлгандек,
Бирдан чўмди зулматга оғир.

Ёз бағрида ёнган ситора,
Ойнинг ойдин кумуш нурлари.
Ёниб туриб бу бошим узра
Алдадими яна нурланиб.

Қанча кезсанг, кенгдир бу олам,
Талпинармиз уларга шоён.
Ярим тунда, кундузлари ҳам
Юлдузларга бошлайди хаёл.

Рус тилидан
Шоди ОТАМУРОД
таржималари

Маҳмуд Исо ал-МАШҲАДИЙ (1935)
(Саудия Арабистони)

Араб адабиётида донгдор бўлган Маҳмуд Исо ал-Машҳадий Саудия Арабистонининг муқаддас Мадина шаҳрида таваллуд топган. Бўлажак ёзувчи икки дорилфунунда – фалсафа ва психология йўналишида Қоҳира университети, журналистика ва оммавий алоқалар бўйича эса Мичиган университетида таҳсил олади.

Машҳадий бир муддат Араб-Америка нефть компаниясида фаолият кўрсатгач, 1975 йилдан хусусий тадбиркорлик билан шуғуллана бошлаган.

Ёзувчининг аёл психологияси катта маҳорат билан очиб берилган «Ибтисам» романи машҳурдир. Унинг, айниқса, «Муздан ясалган аёл», «Муҳаббат кифоя қилмайди» номли ҳикоялар тўплами ҳам ўқувчилар меҳрини қозонган.

СОТИЛГАН ОРЗУЛАР

Ҳикоя

Эҳтимол, кунларнинг бирида қариндошингиз, дўстингиз (дугонангиз) ёки қўшнингиздан сизга ҳам тўйхат келар!

Ёки шунчаки ўтиб кетаётиб, уйлардан бирининг безалган олд қисмида ёлқинланаётган турфа чироқларга мафтун бўларсиз ва қулоғингизга уй ичидан таралаётган шўхчан мусиқа садолари-ю, келинни куёвга тортиқ қилиш онларидаги шодон қийқириқлар чалинар ҳам.

Аввало, сиздан бир нарсани илтимос қилардим, бироз сабр қилинг, шошилманг, енг шимариб ичкарига киришга ва куёвнинг шодлигига шерик бўлишга ошиқманг! Бу рангин чироқлар, бу шодон ҳайқириқлар, олқишлар ҳам ҳавасингизни келтирмасин, сизни мафтун этмасин, сеҳрланган мисол бир жойда қотиб қолишга мажбур қилмасин, лабларингиз гўёки "Табриклайман! Сизларга бахт ва фарзанд тилайман!" дея шивирлаётган вақтдагидек юзингизга гўзал табассумнинг суратини чизмасин.

Йўқ, бироз сабр қилинг! Ошиқманг! Эҳтимол, худди ҳаётимда содир бўлгани ҳамда сиз ва бошқа кўплаб кишилар менинг бахтсиз тўйимда иштирок этганингиз мисол ўзингиз билмаган ҳолда на қалбингиз ва на онгингиз қабул қила оладиган даҳшатли бир жиноятга шерик бўлиб қоларсиз.

Ёдингиздами, сизни ўз тўйига таклиф қилган инсон олдидаги дўстлик, қўшничилик ёки қондошлик бурчини бажарган ҳолда, ёрдам қўлини чўзиш, қўллаб-қувватлаш мақсадида бир-бирингиздан ўзишга интилганингиз? Ёрқин чироқлар, мусиқа, ҳайқириқлар сизни алдади, сиз куёв ва келинчак учун бу кеча, никоҳнинг илк оқшоми қандай аҳамиятга эгалигини ҳис этмоқ учун ўз тасаввурингиз қанотларида парвоз қилдингиз, хаёлга эрк бердингиз. Аслида эса... Бу кеча мен, яъни келинчак учун қалби, орзулари ва ёшлигига нисбатан чиқарилган ўлим ҳукмининг ижроси эди! Бу ёрқин чироқлар, қарсаклар, қийқириқлар мени узоқ манзилга, кўз ёшлар манзилига, қазо манзилига, йўқотишлар манзилига кузатиб қўювчи сўнгги маросим бўлди!

Эҳтимол, сиз ва бошқалар менинг тўй маросимимни ташкиллаштиришга бош қўшганингиз ва кўмак кўрсатганингиз учун афв этиларсиз ҳам. Ахир, биз шундай яралганмиз, инсонийлик моҳиятимиз ҳам аслида шу – ўзгаларнинг шодон кунларида қувончларига шерик, оғир дамларида эса уларга ҳамдард бўлиш. Шунинг учун сиз тантаналарда ёрдам қўлини чўзиш ва дафн маросимларида бир-бирингиздан ўзишга интиласиз. Аммо ушбу инсоний фазилатнинг энг шафқатсиз жиҳати шундаки, айрим вақтларда сиз вазиятни адаштириб юборасиз – ўлганларнинг тўйини ўтказасиз, тириклар учун эса дафн маросимини ташкиллаштирасиз!

Менинг дафн маросимимда иштирок этганингизда менга нисбатан ҳам худди шундай йўл тутдингиз – сўнгги манзилимга, қўрқинчли ва зулматга тўла қабримга чироқлар ёғдусию мусиқа ва қарсаклар садолари остида кузатиб қўйдингиз. Мен эса ҳали-ҳамон тирикман! Аммо ўша кеча фақат менинг қалбим ўлди!

Мен сизга ўз ҳаётимни бир бошидан сўзлаб бераман. Қалбимга сиз томондан ўлим ҳукми ўқилган ўша тарихимни!

Сиз ва бошқалар қандай туғилган бўлса, мен ҳам шундай дунёга келганман. Менинг ҳам худди сиз каби ўз тақдирим, ўлимга довур олиб борувчи ўз ҳаёт йўлим бўлиши мумкин эди. Бир хил ибтидо ва бир хил интиҳо. Бизга шундай дейишган, чиндан ҳам ҳаёт шундай кечади. Инсон дунёга келиш, кейин эса уни тарк этишдан иборат бўлган ҳаётнинг бу қонунларини ўзгартиришдан ожиз. Гарчи биз барчамиз турлича бўлсак-да, турлича яшасак-да, ким бахтли, ким эса ҳатто туғилишни ҳам умуман истамаган бўлса-да... Аммо орамизда кимдир эркак бўлиб туғилади ва унинг қаршисида барча имкониятлар эшиги очилади, кимдир эса аёл бўлиб дунёга келади-ю, деярли ҳеч қандай ҳуқуқи бўлмайди. Кимдир ўзига тўқ оилада таваллуд топади ва унинг туғилиши ота-онанинг олам-олам шодлигига сабаб бўлади, кимнингдир эса ҳатто дунёга келиши оиласида бахтсизлик дея қабул қилинади.

Мен бир нарсани сира англаб етолмайман: бари толесизлигим боиси нимада? Ўзим шундай туғилганим учунми ёки ота-онам бахтсиз эканиданми, ёхуд менинг ҳам, уларнинг ҳам пешонасига саодат сўзи ёзилмагани сабаблими? Шуни айтишим мумкинки, мен қашшоқ, қолоқ бир оилада, бахтсизлик тўрига чирмалган ота-онанинг толеи йўқ кизи бўлиб дунёга келдим. Ожизгина танимда ҳаётнинг илк белгилари пайдо бўлган ондан бошлаб бахтсизлик мен ва ота-онамнинг ҳамроҳига айланди. Ҳали онам қурсоғида эканимдаёқ, у мен туфайли азият чекарди. У касал бўлиб, вақт ўтган сайин дарди оғирлашиб борарди. Охири у ётиб қолди, отамнинг эса уни даволатиш учун маблағи йўқ эди.

Мен бу ёруғ оламни кўриш учун курашаётган чоғимда у бир томондан тўлғоқ дарди, иккинчи томондан эса ўлим билан олишарди. Ҳатто отам ҳам онамнинг ёлғизгина бисоти бўлган, билагини безаб турган олтин билакузукни сотиш ва пулига уни кучли оғриқдан халос этадиган табиб олиб келиш учун қурашарди. Аммо афсуски аллақачон онамнинг табиб ёрдамига муҳтожлиги ҳам қолмаганди. У мен дунёга келишим биланоқ жон таслим қилди.

Мен улғая бошладим. Отамнинг фикрича, мен бахтсизликлар даракчиси эдим, гўёки онамнинг вафоти, унинг барча касалликлари, оиламизнинг кулфати сабабчиси мен эдим. Ҳатто онамнинг вафотидан бир йил ўтгач, отам уйланган бағритош аёл – ўгай онам ҳам шундай фикрда эди. Уларнинг менга бўлган муносабатларида қандайдир ўхшашлик мавжуд эди, икковлари ҳам мени қийнаш ва менга таъна қилишдан тўхтамасдилар. У туғмас бўлиб, отам билан шунча йил яшаганига қарамай, фарзандли бўлмагани боис мени кўргани кўзи йўқ эди. Мавжудлигимнинг ўзи унга бепуштлигини, оналик бахтига мушарраф бўлолмаслигини доимий равишда ёдига солганча дилига оғриқ берарди.

Отам камбағал одам эди, соғлиғи ва баланд овозидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ эди. У ўзида мавжуд бўлмаган маҳсулотни мақтовчи даллол эди. Муносиб харидор топилганда сотилган маҳсулот харидидан ўзига тегишли фоизни олар, бизнинг шу куни нима тановул қилишимиз айнан шу миқдорга боғлиқ эди. Агар у тузуккина бўлса – бу камдан-кам юз берарди – шу куни биз гўшт ердик, одатдагидек кичик бўлганда эса ҳамишагидек нон билан қаноатланардик, холос.

Ўгай онам ҳам отамнинг ишига ўхшаш фаолият билан шуғулланарди. Фақат фарқи – маҳсулот ва харидорда эди. У – совчи эди, у шаҳар кезиб ўз мижозларини – уйланиш истагида бўлган, бироқ келин топиш учун етарлича танишлари бўлмаган инсонларни излаб юрарди. Бўлажак куёвнинг талаби ва шартларига мос келувчи келинни топиш билан ўгай онам шуғулланарди. У мижози билан никоҳ шартномаси шартларини келишар, қисқаси, удумларимизда кўзда тутилган барча ишларни амалга оширар ва бунинг учун учун маълум фоиз оларди. Уни келин куёвнинг барча талабларига ва шартларига мос келиши масаласи унчалик қизиқтирмасди. Ўгай онам учун энг муҳими – келишувга эришиш ва ўз фоизини олиш эди. Бўлғуси келин-куёвлар бир-бирлари тўғрисидаги асл ҳақиқатни фақат никоҳдан сўнг, бошқача айтганда, бошларига қилич тушгандан кейингина билишарди. Натижада, иккисининг ҳам тақдирини лаънатлаш, кўз ёш тўкиш ва қўлларини кўкка чўзганча совчини дуоибад қилишдан бошқа чоралари қолмасди.

Мен вояга етиб, вужудимда аёллик белгилари намоён бўлиб, бутун борлиғим ва қалбимда ёшлик жўшқинлигию орзулари жўш ура бошлагач, шууримни севгининг сурурли ўйлари банд этди. Турмушга чиққач, эҳтимол, барча уқубатларимга якун ясалар, отам ва ўгай онам билан кечираётган бу рангсиз турмушдан қутуларман, деган умид уйғонди. Яқин орада оқ отли шаҳзода эшигимизни тақиллатади, у мени бу уқубатли ҳаётдан халос этиш ва ўз оламига олиб кетиш ва менга уйланиш учун келади. Биз узоқ-узоқларга кетиб, ўша ерда бахтли бўламиз, ҳаётнинг дунёга келганимдан бери ҳали бирор марта татиб кўрмаган, болаликдаёқ мосуво бўлган барча шодликларидан биргаликда баҳраманд бўламиз ва бундан лаззатланиб яшаймиз. Бу каби ширин хаёллардан чеҳрамда ажиб бир табассум ўйнарди. Аслида эса мен қачон сўнгги марта дилдан кулганимни ҳам эслолмасдим.

Туну кун ўйлайдиган нарсаларим кўп эди. Аммо мендаги кечаётган ўзгаришлар – нафис чизгиларга тўлганча етилиб бораётган вужудим, чеҳрамда ёлқинланаётган ёшлик жозибаси ва кўзларимда жилонланаётган муҳаббатга чанқоқлик ҳиссини яна бир инсон диққат билан кузатиб бораётганидан бехабар эдим. Бу инсон мени ўзининг совуқ, ўткир нигоҳи билан тинмай кузатар, бу қарашларда на меҳр ҳисси мавжуд эди, на ҳамдардлик. Бу – ўгай онам эди. Менинг гўзаллигим ва тобора уйғониб бораётган қизлик латофатим унинг учун фақатгина манфаатли битим асосида фойда кўриш мумкин бўлган маҳсулот эди, холос.

Бир куни у кўзлари қувончдан ёнганча кириб келди, аввалларидек бундай бўлмас, шу боис ҳам у бу дамда ўзига мутлақо ўхшамасди. Унинг менга бўлган муносабати ҳам ўзгарганди, у ҳар қандай истагимни бажо келтиришга тайёр кўринарди. Мен илк бор унинг мурданики каби заҳил юзида табассум кўрдим. Ўгай онам ўзининг шу кулгуси билан қалбимни, болалигимни, соддалигимни алдамоқчи бўлгандек эди гўё. Мен бу маккорона тиржайиш ортида нимадир – қандайдир мудҳиш қабиҳлик яширинганини сездим. Ўгай онам мисли қатл ҳукмини ижро этаётган жаллод каби эди – маҳкумнинг энг сўнгги истагини бажо келтиришни сўраш баробарида қилич солиш учун бўйнининг энг қулай жойини мўлжаллаётгандек эди.

Одатда жаллод ҳамиша ўз қурбонидан ҳукм ижроси вақтини яшириди, бу билан маҳкум асабларининг таранг тортилмаслигини кўзда тутади ҳамда ўз хатти-ҳаракатига инсонийлик бахш этишга интилади. Аммо ўгай онам менга ҳукм ижроси вақтини очиқ-ойдин айтди. Менга келгуси ҳафта бошқаларга нисбатан кўпроқ тўлашга рози бўлган инсон билан келишинини очиқ-ойдин айтди. Айни шу инсонга менинг истагим билан эмас, ўгай онамнинг хоҳиши билан ёшлигим, орзуларим ва иффатим сотилди.

Менга бўлиб ўтаётган воқеалар жуда қаттиқ таъсир қиларди. Мени турмушга беришаётган эркак навқирон бўлиб, унинг қалбида ҳам ёшлик туйғулари жўш урганда, эҳтимол, қалбимни иситувчи, юрагимни тўлдирувчи илиқлик ва умид уйғонган бўлармиди. Балки ўртамизда самимий муҳаббат туғилар ва биз бахтли бўлармидик! Аммо мени "харид" қилган эркак эллик етти ёшда эди, оилали бу инсоннинг энг кичик фарзанди мендан икки баробар катта... Ахир, мен эндигина ўн олти баҳорни қаршилаган бўлсам... Йўқ, онгим ва қалбим буни қабул қилишни истамасди. Чунки бундай инсоннинг мазкур никоҳ орқали оила аталмиш қўрғон қурмоқчи эмаслиги, бу қўрғонда ўзаро муҳаббат ва қадр-қиммат ҳислари устувор бўлишига интилмаслиги кундай равшан эди. Чунки унинг қўрғони – оиласи бор. Унинг энг катта айби – ҳирси олдидаги ожизлиги... Худди мени унга сотган отам ва ўгай онам виждону туйғулар даъвати билан ҳисоблашмай, фақат бу никоҳ орқали келувчи моддий манфаатни устун кўрганлари каби...

Йўқ, мен энди ҳеч нарса қилолмайман. Менинг ўтинчлариму илтимосларим, қаршиликларим ва кўзёшларим беҳуда!

Никоҳнинг илк оқшомида мени ўз пулига сотиб олган ўша инсон қаршисида тиз чўкиб, оёқларини кўзёшим билан ювиб, мени ўз ҳолимга қўйиш ва ажралишни ўтиниб, қилган таваллоларим барчаси зое кетди. Унинг тенги эмаслигимни айтганларим ҳам кор қилмади!

Уни ҳам менинг туйғуларим қизиқтирмасди, ҳобғоҳ полининг ҳар бир қаричини суғорган кўзёшларим-да қалбини юмшатмади. У фақат кўнглини эгаллаб олган ва менинг ёшлигиму иффатимни топташга даъват қилаётган шайтон сўзига қулоқ соларди, холос!

Ташқарида эса рангин чироқлар, мусиқа ва шодон қийқириқлар... Ва сиз шу тариқа қалбим қабрига сўнгги ҳовуч тупроқни ташладингиз.

Энди мен қалбсиз ва ҳиссизман!

Мени сиз билан фақатгина бир нарса боғлаб турибди. Ҳар тун сиз ором бергувчи юмшоққина, мен эса тикандек бўлган тўшакка кираётган вақтимизда, қалбимда бир оҳ узилади, гўёки мен қалбимнинг дафнида иштирок этган ҳар бир инсондан Яратганга шикоят қиламан.

Бу оҳни ҳеч ким эшитмайди, ҳатто ёнимда ётган ва ҳар бир нафаси қалбимга игнадек санчилаётган улкан ва совуқ ҳайкал ҳам эшитмайди.

Йўқ, ноламни Аллоҳдан ўзга ҳеч ким эшитмайди!

Маъруф ТОШПЎЛАТОВ
таржимаси

Сўзлагин, қайларга бош олиб кетай?

Юсуф РАСУЛ – 1971 йилда Тожикистоннинг Панжикент туманида туғилган. 1993 йилда ТошДУнинг журналистика факультетини битирган. Айни пайтда Швецияда яшайди.

Онамга

«Бу дунёда ғам ема», дединг,
«Қайғу чекма», дединг муттасил.
Мен-чи едим барча ғамларни,
Қайғу чекдим тинмай тўрт фасл.

Бугун эса бор-йўқ умримни,
Ҳаётимни қўйиб қийноққа.
Оғриқларга тўлиқ дил билан
Чиқиб кетдим сендан йироққа.

АКАМ ШУҲРАТ ХОТИРАСИГА

Сўзлагин… Қайларга бош олиб кетай,
Тунгами, кунгами сочай қалбимни?
Сенинг кўз ўнгингда йўқолай-йитай,
Мен қандай топширай сенга умримни?

Айт, ахир…
Қайларга кўмдинг жисмимни,
Нега мен сарсонман, ҳайрон, девона?
Нега сен унутиб қўйдинг исмимни,
Нега мен дунёга бўлдим бегона?

Сочларинг – анбардир.
Рўйинг – суманбар,
Хаёлларинг банддир қайга, жувонмард?
Сўзларинг– титроқдир,
Кўзларинг – фироқ,
Сочларинг – байроқдир,
Йўлларинг – йироқ.

Сенингми – кўк, ҳилол,
Менингми – тупроқ?
Сенингми – ишқ, висол,
Менингми – фироқ?
Сенингми – бу олам, менинг паноҳим,
Сенингми – шунча ғам, менинг гуноҳим?!

Айт, ахир…

* * *

Ниҳоят, мен келдим қаршингга,
Сўзла энди бор нафратингни.
Айт, яширма, юрагимга соч
Ғазаб билан муҳаббатингни.

Мен барибир кетаман бундан,
Гапир, ғамга тўлсин сўзларинг.
Токи бир кун қийнасин мени
Изтиробли, маҳзун кўзларинг.

АБДУЛҲОШИМ ТОҒАМГА

Биз келсак – майсалар титрайди,
Гуллар уйғонади изларимизда.
Тоғлардек фарёдлар юксалар,
Қайғулар туғилар кўзларимизда.

Биз кулсак – ёмғирлар йиғлайди
Ўзидан улоққан йўлларда.
Йиғласак – аламлар кулади,
Тентираб кимсасиз чўлларда.

Биз кетсак – бағрига олади
Ўзидан адашган дунёлар.
Биз кетсак – тўлғониб қолади
Ўзанига сиғмай дарёлар.

* * *

Тунлар тавбасига таянар,
Ҳар лаҳза ўзини ҳис этар осмон.
Сен кетасан – ортингда қолар
Бир вужуд тўлғониб беомон –
Қақраган, қақшаган бу вужуд ичра
Бир сен яшайдирсан, мен яшамасман...

Кўкда ҳам кимдир бор, у сени чорлар,
Чорлар-да қайтадан отар заминга.
Вужудинг мих каби қоқилар ерга,
Фақат бошинг қолар… таъзимга.
Мени самоларга кўтарган сенсан,
Сени тупроқларга ботирган ўзим...

КУЗГИ БОҒ

Руҳим заминига кузак чоғларда,
Сарғайган япроқдай тўкилиб хаёл.
Сен кетсанг, тун чўккач, ўша ёқларга
Адирлар югурар кўтариб ҳилол.

Сукунат бағрида оғир тин олиб,
Субҳидам уйғонган ажиб чоғларда,
Менинг бу девона юрагим қолиб
Дарахтлар йиғлайди кузги боғларда...

* * *

Илкис кўтарилган қушлар галаси
Бизнинг руҳимизни талаб, суғуриб,
Олиб кетадилар, ҳув, кенгликларга,
Маъюс хаёлларга белаб, йўғириб.

Қарайсан – куз, ҳорғин, афтода, ғариб,
Сенинг кўнглинг каби ўксик, паришон.
Қарайсан – менинг ҳам кўзларим ёруғ,
Қарайсан – атрофда алданган ҳижрон.

Қарайсан – ишқ – ўлат ҳайдаган кўнгил
Эрталаб қушларнинг қанотларида.
Кўтарилиб борар тупроқдан олис,
Хаёлдай бокира самовотларга.

Қарайсан – ўзингдан йироқларда жим,
Кетиб бораётган ўзингга ҳолсиз.
Қарайсан – қушларнинг шивирларига,
Алданган руҳингга мажолсиз...

Қарайсан… Қарайсан, топа олмайсан,
Излаганинг кимдир?
Йўқотганинг ким?
Ўлим пойлаб турган эшикка томон
Йўл узоқ, кўринмас ўзга бир манзил.

* * *

Қаричлаб, белгилаб чораларимни,
Хаёлимга тизиб бор имконимни.
Кетиб бораяпман ҳаёт оралаб,
Танимга яшириб сабил жонимни.

Кўзларимдан кимдир атрофга боқар,
Қалбимда қўр тўқиб ўтирар кимдир.
Кетяпман… Ўзимдан хавотирланиб,
Ичимдаги кимдир – ҳанузки жимдир...

Мен хаёл сурсам, у менга қўшилар,
Қарасам, ичикиб боқар кимгадир.
Сўзласам, ёнимда туриб сўзлайди,
Йиғласам, йиғлайди у ҳам негадир.

Деразани очиб қўйинглар энди,
Очинглар дунёнинг дарвозасини.
Биз ҳам ташқарига қарайлик, ахир,
Эшитайлик кўнгил овозасини...

* * *

Тобора тўкилиб юрагим тутдай,
Тобора қисқариб бормоқда йўлим.
Эгасига интизор итдай,
Пешвоз чиқиб келмоқда ўлим...

Мазмунини йўқотиб қўйган
Дунё турар қаршимда сассиз.
Ташландиқ уй мисоли – куйган,
Менинг қалбим шундай кимсасиз.

Сен-да кетмоқдасан – ортингдан
Эргаштириб хуш чоғларимни.
Ҳисларимни сочиб – туртинган,
Бўм-бўш қилиб қучоқларимни.

* * *

Сенинг кўзларингда телба дунёнинг
Телба хаёллари акс этар, гулим.
Сенинг кўзларингдан излайман нажот,
Сенинг кўзларингдан топаман ўлим...

* * *

Рангсиз осмон менинг қалбимга,
Тушар, чўкка тушиб ёлворар.
У мендан сенимас, азизам,
Менинг ўзлигимни ахтарар.

Мен йўқман гўё бу вужудда,
Мен ўзимдан ўлдим олдинроқ.
Сенинг ишқинг, ҳижронинг билан
Ўлимим ҳам бўлди ойдинроқ.

* * *

Ўшал тонг чоғида менинг қалбимга,
Бир ҳазин оҳанглар келдилар қайтиб.
Қалдирғочлар қайтди симёғочларга,
Сен-чи? Кетдинг алвидо айтиб...

Ўшал тонг чоғида шўх қалдирғочлар
Бир телба ошиқни этдилар сархуш.
Улар-да қайтдилар шўх наво билан,
Фақат, сен қайтмадинг, севимли оққуш...

* * *

Йироқлар ҳам йироқлашади,
Узаяди уззукун тунлар.
Сени бекор сўроқлашади
Юрагимдан ўтаётган кунлар.

Бир ичикиш дилни ўрайди,
Дил ўрайди бир энтикишни.
Хаёлларим мендан сўрайди,
Фақат, фақат сен келишингни.

Кундан ғолиб, тунлардан ғолиб,
Юрак аҳди сенсиз кетмоқдир.
Ҳижрон – қолмоқ қайғуни олиб,
Ҳижрон – асли ўзни билмоқдир...

У ҳаё ва ибо макони бўлиб,
Қалбингдан талпинар нигоҳларингга.
У шундай бир сирли назокат билан,
Табассум қўндирар дудоқларингга.

У шундай бир ажиб хилқат эрур, рост,
Кел, аён этайин, у – сенинг руҳинг.
У – Тангри инъоми, йўқ, Тангри сири,
У – инсон асрори, йўқ, сенинг ўзинг.

ПОЕЗДДА

Сен осойиш ухлайсан, гўзал,
Киприкларинг қабоғинг ёпар.
Поезд елар…
Ташқари совуқ,
Ҳисларимни соғинч уйғотар.

Зор нигоҳим боқар, ичикар,
Қучоғим ҳам бўм-бўш изиллар.
Капалаклар – интиқ лабларинг
Пирпирар, қўнмоққа жой излар.

Сен осойиш ухлайсан, гўзал…

* * *

Ўзингга ичикиб қарайсан маҳзун,
Ўзингдан излайсан бору йўғингни.
Ўзингга чирмашиб яшайсан ҳамки,
Ўзингга тортасан руҳингни.

Қачонгача, ахир, худбинлик,
Қачонгача бир танда яшаш?
Қўйиб юбор, сенга бандилар
Ўзи учун бошласин кураш...

СУРАТДАГИ ҚИЗ

Турмуш ўз йўлига, ғаму қувонч ҳам,
Ҳаёт оқаверар босиб кўнглингни.
Сенга таништирмоқ истайман, гулим,
Кўзларинг тубидан боққан кимсани...

Собир ЎНАР (1964)

ОЛИШУВ

Ҳикоя

Бобошер Ҳанифага хат ёзганмиш. Бу – Бобошернинг элчиси Нурмат тўрткўздан чиққан гап. Абдимурод – Бобошернинг рақиби. У элчининг бекорга бундай жаврамаётганини сезади. Элчи Абдимурод бу "янгилик"дан сўнг энди қай аҳволга тушаркин, деб кузатади. Абди эса ўзини қўлга олиб, совуққонлик билан чидайди, тишини тишига босади.

Нурматга ўхшаган элчилар ҳар бир синфда бўлади. Масалан, 8-"Б"нинг сардори (шефи) Бобошер. Бобошернинг ўзи киму у дарга бўлган синфда элчи ким бўларди, Нурмат-да. Абдимурод 8-"А"нинг шефи. Элчиси – Жума тентак. Нурмат тўрткўз Бобошерни, Жума тентак Абдимуродни, ҳозирги 8-синф аҳлини танигандан бери бир-бирига гиж-гижлаб келади. Аммо ҳали-ҳануз бу икки "паҳлавон" бирор марта яккама-якка чиқиб уришмаган, "марду майдон ичра" олишмаган. Синфдошлари Абдимуроднинг бўйига қараб фол очишади. Яна нима деб: "Бобошерингни бизнинг Абди қўлтиғига бир боғ бедадай қистириб, момосиникига олиб бориб келади". Бобошернинг синфдошлари унинг тошбақаникига ўхшаш калта ва йўғон қўлига қараб бичиб-тўқишади: "Шу қўллар бир чирпаниб Абдимуроднинг белига ёпишса борми, э, Худо кўрсатмасин, қорнига зўр келиб..."

Бир ҳакам келиб, иккала полвонни олиштириб, икки томондан бирининг популдиригини пасайтириб қўймади. Натижада, "Абдимурод ўнинчидаги Тўхлиевни оёғини осмондан келтириб урибди", "Бобошер турникка йигирма беш марта ияк етказиб тортинибди", деган узунқулоқ хабарлар мактаб болалари ўртасида қуюндай пайдо бўлиб, шамолдай тез тарқаларди. Бу куни қарасанг, нариги ботир узунликка олти метрга сакрайди, униси етти метрга. Саккиз, ўн метрларгаям сакрашади... Бу баҳс "Баландликка сакрашда Бобошер ютиб кетарди", "Йўғ-э, Абдимурод!" деган бақир-чақирли тортишувларга айланади.

Рақиблар гўё бир-бирларига "агент" қўйиб, шулар орқали зимдан – мафкуравий курашардилар.

Бошида айтганимиздай, бугун Тўрткўз нариги синфдаги Ҳанифа тўғрисида гап топиб келди.

Бир ойлар бурун "Б" синфдаги Ҳанифа Абдимуродга хотира дафтарини берган. Унда одатдагидай бош қисмида табрик учун саҳифа, сўнгра "Орзу", "Она", "Дўстлик" деб сарлавҳа қўйилган саҳифалар бор эди. Айтишларича, Абдимурод шу "қонун"ни ўзича бузган эмиш. Ҳанифага севги изҳор қилган жойлариям бор эмиш. Нурмат уни ўқиб "Ҳанифа, нима учундир доим ўйчан, маъюссиз", деган жойларини ёдлаб олибди. Ўшандан бери Абдимуродни кўриб қолган жойда ўзича минғирлаб: "Ҳанифа, нима учундир доим ўйчан, маъюссиз", деб ўтиб кетади. Олдида ўзининг яқин жўралари бўлса, хохолаб кулишади – Абдимуродга ўша сўзларни ёзгани учун минг пушаймон қилдиради. Агар Абдимурод, нега одамни масхаралайсан, деб унинг ёқасидан олса, у: "Мен сенга нима қилдим, бор, ишингни қил", дейди. Яна қўшимча қилиб: "Нима, кўчада гапирганиям қўймайсанми энди зўрман деб, биламиз, зўрсан, фақат Шердан камкучсан", дейди. Абдимурод эса нимагадир унга сира гап топиб беролмайди. Нега деганда, Нурматимиз шунақа-да – сиртига сув юқтирмайдиган хилидан.

Узунқулоқ гапларга қараганда, шу кунларда Абдимурод: "Энди нима қилайин, Ҳанифа, ахир, сени Бобошер севаркан-ку?" деб шеърлар ёзаётганмиш. Бу овозанинг мубошири ҳам Нурмат. Куни кеча у катта танаффусда, болалар мактаб ҳовлисидаги ҳовуз теварагида қалдирғочлардай тизилишиб ўтирганда: "Ҳанифаси тушмагур Бобошеримизни севиб қоптими-ей, бугун икковимиз қолайлик дарсдан сўнг, деганмишми-ей", деди. Ҳовузнинг нариги қирғоғида ўтирган Абдимурод баралла айтилган бу гапни эшитмай қолмасди. Болалар қиқирлаб кулишарди. "Йўғ-э, йўғ-э", дейишди баъзилари. Қисқаси, Нурмат шу гапни айтди. Сўнг, гўё ниятига етгандай, Сайдазни етаклаб буфет томон чопиб кетди.

Ўша куни... Ҳа, Абдимуродни севги, Бобошерни ғаразли рашк аралаш тўполон туйғулар адо қилган ўша кунларнинг бирида бу майдонсиз беллашувлару турли шубҳаларга бирдан – биратўласига барҳам бериладиган бўлиб қолди. Тўсатдан, томдан тараша тушган янглиғ келиб қолди бу фурсат. Мактаб спорт майдончасининг чеккасида – Саврон бобонинг чорбоғи ичидаги тиззага урадиган ўт устида икки паҳлавон бел олишадиган бўлди. Энди барча киноялларга, "Ким зўр?" деган жавобсиз гумонларга ўрин қолмайди. Кутилмаганда, адабиёт муаллими Қуддус ака эшакдан йиқилиб келмай қолган, жисмоний тарбия ўқитувчиси Саъдулла ака мажбур бўлиб икки синфни бирга қўшиб ўтадиган соатда. Ўша, ёғочлари чириб, тикан симлари осилиб ётган Саврон бобонинг чорбоғида.

"Давра кенгроқ бўлси-ин!" деб жўраларини орқа томонга суриб-итариб юрган Исмоил бақалоқ деганимиз кайвониликда отасидан қолишмай, ўқитувчилар билан гўё қирқ яшар одам бўлиб гаплашади. Гапининг сўнггида катталардай "Оллога шукур", деб қўйишниям унутмайди. Ҳозир ҳам Саъдулла акасидан тап тортмади. Синфдошлари Исмоил тушмагурнинг нафақат кайвони, ҳам шоирлигини бугун билдилар. У чап қўлини белига тираб, ўнг қўлини ҳавога силтаб достон ҳам ўқий кетди. Қурмағурнинг ота-бобоси шоир-да, бир сўзларни қўшиб-чатиб тўқий кетди:

Муниси Алпомиш,
Алпларнинг бири.
Муниси Кўкалдош,
Тўқсоннинг зўри.

Алпомиш деб Абдимуродни, Кўкалдош деб Бобошерни кўрсатди.

Ойбарчинхон бугун талаш бўлади,
Бугун бир зўр олиш – кураш бўлади.

– Курашадиган бўлсанглар, бошланглар-да энди, – деди Саъдулла ака.

– Булар бир-бировидан қўрқяпти.

– Номаъқулни айтибсан, Бобошеринг қўрқяпти. Шалпайишини қара.

– Бўлди! – деб қичқирди Исмоил. – Бек Алпомиш ҳам, алп Кўкалдош ҳам бир-биридан қўрқмаган. Қани энди, бўлинглар сизлар ҳам. Ноз-фироқларинг тугагандир?

Абдимурод костюмини еча бошлади. Кейин ботинкасини ечди. Бобошер ҳам шундай қилди.

Исмоил сайради. Оломон ҳайқирди:

– Э-ҳей!

– Ол-а!

– Бор экансан-ку, бақалоқ!

Бошланди. Икковиям бир-бирига белини бермай энкайиб олишди. Одатда бундай бошланган курашлар узоқ давом этади. Ҳамманинг дами ичига тушган.

Яланг оёқлар ўтда пистоқи ранг олди. Пешоналар тер олди. Абди – барзанги, Шер – калтабақай. Абди оёғини бермайди. Шер – белини. Энкайишиб, бир-бирига оғирликларини ташлаб юраверишди. Кураш узоқ давом этди...

Абдимурод ўзини ўнглагунга қадар рақиби устидан босиб олди. У йиқилишига ишониб қолган, энди фақат елкасини ерга теккизмасликка ҳаракат қиларди. Бобошер эса уни салмоқ ташлаб босаверди, у ғирромлик қилди – рақибининг юзига тирсагини тираб аямай ўзини ташлаб юборди. Абдимурод "Воҳ-ҳ!" деб читиниб кўзини юмди. Ўзини қўйиб юборди.

– Оҳ-а, таслиммисан? – пишқирди Бобошер. – Таслиммисан, таслиммисан? – У яна бутун гавдаси билан сапчиб тушиб босаверди.

– Бўлди, эй, гўрсўхта, – деб Бобошерни тортиб юборди муаллим. – Аҳмоқмисан, нима бало бўлди сенга?

Жуманинг лаблари титраб кетди.

– Ҳе, онангни... Нима қип қўйдинг бунинг бошини? – деб бақириб юборди.

Абдимуроднинг бошидан сизиб қон оқар, кўйлагидан сирғалиб орқасидан тушарди. Боши ўтлар орасидаги қиясига кесилган тол новдасига теккан, қулоғининг ортидан ярим қарич жойни тилиб юборган эди.

Шундаям "Б" синфдаги Наби, Нурмат, Абдивалилар қувонганларидан чапак чалиб ирғишлай бошлашди. Бошқалар маъюс қолдилар. Қизлар "Вой ўлдим-эй", дедилар. Бобошер эса жилмайиб ҳаммага қараркан:

– Олдинроқ йиқитишим керак эдику-я, просто... – деб пишқирди-да, сўнг Нурматнинг қўлидан камзулини олиб кийди. Саъдулла ака унга:

– Номард экансан-ку, шунақа курашадими одам? Бор, жўрангга ёрдам бер, – деб пўписа қилди.

Бу орада Жума тентак билан Нурмат жанжаллашиб қолдилар. Жума сўкиниб, дабдурустдан Нурматнинг чаккасига шапалоқ қўйиб юборди. Боя Абдимурод чўккалаб қолганида Нурмат оёғини тутиб қолган, чалиб юборган эмиш, Жума унга ёпишибди, сўкибди. Улар жанжаллашиб ётганларида, Саъдулла ака уларга андармон бўлганида бу аҳвол рўй берибди.

Саъдулла ака хонасидаги дорицутидан бинт ва дори келтириб, Абдимуроднинг бошини боғлади. Сўнг Абдимурод жўраларидан ажралиб сув бўйига бориб йиғлади. Йиғлаётганини билдирмаслик учун сой сувидан бетини ювиб турди. Танаффусга чиққан болалар унга ачиниб қарашди, у эса ожизларча, болаларча йиғларди. Жума унинг йиғлаётганини сезиб турар, гирдида Бобошеру унинг элчисини бўралатиб сўкиб айланишар, қон теккан кўйлагини ювишарди.

– Ҳаммаси Нурматдан бўлди, Нурматдан! Онангни... Ҳали кўрсатамиз уларга.

Абдимуроднинг қалбида алам чўғи баландроқ ўт олди. Энди у ўзини тўхтатиб туролмасди. Барча аламлари тилига кўчмай иложи йўқ эди:

– Уларни бирма-бир ўлди...

Ҳа, у шундай деди. Қизишди. Эрта бир кун бу сўзни бутунлай юрагидан чиқариб ташлаши мумкиндир. Лекин ҳозир... Ҳозир у ўзини тўхтатолмасди. Шу ҳолатда синфга киришниям истамасди. Аммо Жума қистайвергач, у синфга борди. Дарсда қизарган кўзларини яшириб охирги партада ўтирди. Шу ҳолатда уч соат ўқиди. Танаффусларда ҳам ўрнидан жилмади. Уйига кетгиси келди. Аммо уйига бориб нима дейди? Бошини партага қўйиб олди. Сўнгги соатда шу алпозда, бошини партага қўйиб ётганида, Теша муаллим кириб келди. Абдимурод ҳам туриб, салом берди. Муаллимнинг "Нега?", "Нима бўлди?" деган саволларига жавоб бергач, ўтираётиб партасининг устида бир китоб кўрди. Сиртига қоғоздан жилд қопланган китобни олиб ичини очди: "Сўна". Фломастер билан қуйидагилар ёзилганди унга:

"Абдимурод, улар қанчалик майда бўлса, сен шунчалик улкансан! Шу китобни ол.

Қўлдошева Ҳ".

Абдимуроднинг кўз ўнгида ҳар доим эндигина тўйиб-тўйиб йиғлагандай бўлиб кўринувчи қизнинг сиймоси намоён бўлди. У ич-ичидан жўшиб, қувониб, ҳатто "Сўна"ни бағрига босиб куйлагиси келди. Куйласа, куйлайверса. Куйлаб туриб йиғласа...

1988

Шамолнинг важоҳатига қаранг! Деразаларингиз ёпиқми? Бу баҳор айвонимизнинг деразаларига яна хазонлар ёпирилди. Бир кўрсангиз эди буларни. Сиз ҳам субҳидам шамолнинг енгил қадамлари остида эзилган баргларнинг шитир-шитир товушларини эшитасизми, опа? Бирпасдан кейин ёмғир бошланади. Аввалига момогулдиракнинг ваҳимали садоси осмонни зиёрат қилади: овозлар қоришиб кетади. Энг бошида, бу овозлар менга ўхшаш кўрқоқларнинг қулоқларига ҳужум қилади. Қушлар заиф чуғур-чуғурлари билан гулдуракка қарши чиқадилар. Эҳтимол, маҳалланинг норасмий миршаблари бўлмиш итлар ҳам бир-икки вовуллаб кўяр. Илҳом парилари қанотим хўл бўлмасин, дея энг ғариб кулбаларга бош суқишади, дарахтлар ўз тилида калима қайтаради, йўлакларнинг ранги ўзгаради. Қаранг, бизнинг кўча ёмғирга шундай тайёрланади.

ОНАМНИ КЕЧИРДИНГИЗМИ, ОПА?!

Меҳмет ЖЕБЕ, турк ёзувчиси

Бошимни дераза рахига қўйиб, ёмғирни жим томоша қилишимни эслайсизми? Балки ёмғир мени томоша қилгандир, бундан хабарим йўқ. Сиз дераза рахини шоирнинг жойи деб билардингиз, сочларимни силаб сасланардингиз: "Қиз бошингга шоир бўлмоқчимисан, дейман". Бу гап охирига сўроқ эмас, ундов белгисига ўхшаш ўткир нимадир санчиларди. Шоир бўлишим мумкин эмасмиди, опа? Ё шунчаки, сизга кўзгу бўлишимни истамасмидингиз?

Баъзан худди ҳеч нарса ўзгармагандек туюлади. Масалан, деворлар ҳамон сариқ рангини йўқотмаган. Маҳалланинг ҳиссиз гурунглари, қўшнилар, айниқса, Нурон хола ва унинг шогирдлари, ҳатто овқат ва эски тамаки ислари ҳам... Ўзгаришни истаган-у, аммо ўзгарган эмас, балки ўзгаришдан мудом қўрққандаги каби бир ҳис бор бу эскиликда. Шамол сиз кетган кундаги каби бўғиқ овози билан ҳар тонг увиллаётгандек бўлаверади. Шамол бироз аввал тинди. Буни ошхона ойналари зирилламай қўйганидан сездим. Тиқирлашини эшитмадингизми? Ёмғир бошлаганига эса тахминан ўн дақиқалар бўлди. Қаранг, ёмғир мажнун бўлиб ёғяпти. Булутлар худди сиздек. Сочлари тўзиқ, бироз паришон, ҳийла ғазабнок.

Ўтган ҳафта анави бешикни чиқитга ташладим. Ҳалиги, иккимиз отам уйда йўқ пайт бизни асрайди, дея эшикнинг ортига қўйиб қўядиган ва "тиқ" этган товушидан ҳам чўчиб уйғонадиган бешигимиз бор-ку, ўшани. Эртасига қараганимда кимдир олиб кетибди. Қаранг, хотиралар биз эсламай қўйганимизда бирдан йўқолишга уста экан. Ҳечқиси йўқ. Уйдаги ҳамма эски-тускини шу йўсин чиқитга отдим. Фақат ойимнинг кенг этакларини, мактубларини, хушбўй тасбеҳларинигина кўзим қиймади. Қайғу унутилмаслиги керак. Устига устак, бу алвон этаклар бутун маҳаллада фақат ойимгагина ярашарди. Бўлмаса, ойимдан чиройлироқ аёл йўқ дейсизми...

Мана шундай мантиқсиз гўзаллик кун келиб йўқолса, шоирлар оч қолмайдими, опа? Сиз йўқ пайт онам сигарета дудини ҳар пуфлаб, юрагининг дукурларига қулоқ соларкан, сигарета тутуни аро адашганида фақат ва фақат сизнинг исмингизни дуодек пичирлайверарди. У бу дуднинг юракдан юракка етиб боришини кўп сўйлагувчи эди. Биласиз, онамнинг ҳеч қайси гапига ишонмайман. Аммо шундай бўлса-да, биздан олисларда, чекишни одат қилганингиз ўша арзонгаров сигарета ҳар тортганингизда уни эслашингизни сезиб турардим. Сизсиз қилинган илк якшанба нонуштасида онам восвос бўлиб қолди. Отам сизни кўрибоқ дўппослашга тушган ўша кундагидек қалтираб ётарди. Сурмали кўзингиздан томган рангсиз ёшлар, шундоқ кўз олдингизда пора-пора қилиб ташланган жемпер... Уни онам тўқиб берганди. Сочларингиздек сиёҳранг эди у. Онамнинг сиз учун тўккан қайноқ кўзёшлари, у тўқиётган иссиқ кийимларга милт-милт томар ва лаҳзада қуриб битарди. Бу жараён ҳафталар мобайнида ёнидалигим унга малол келаётганини сезгунимга қадар, совиган чой пиёлалари гувоҳлигида давом этди.

Бир-неча йилдан сўнг худди ҳозиргидек, июлнинг лабларингиз янглиғ қуруқшаган кунларидан бирида тор остонамиз узра чўккалаганча сизга бемаъни саволлар бергандим. Саволлар кейинги саволларга қўшилиб қудуққа айланар ва сиз бу қудуққа қуларкансиз, заиф жавобларингни арқондек тепага отардингиз. Арқонлар менгача етиб келмай изига қайтарди. Саволларим сизга етиб борармиди, опа? Билмайман. Бу билмаслик, ҳув ўша, аввалги билмасликни қондирармикан, опа? Отам билан ойим холамизнинг холасиникига, тўйга кетишганди. Эсингизга тушди-ку, тўғрими? Остонадан чиқмай отам ойимга зарҳрини сочганди. Овоз остонада қушга айланиб қанот қоқди. Хўрсиниқларимиз ўтирган жойимизда ерга қулаб парча-парча бўларди. Биз яна ўша деворлар ортида жим қолгандик. Ўша пайтлар сиз ўн тўрт, мен тўққиз яшар бўлганимиз ҳам ёдингиздадир. Бироқ орамиздаги фарқлар орамиздаги ёшдан анча кўп эди.

Айвонда жон сақлардик... Лабларингизда биринчи сигарета: ҳам йўталиб, ҳам ёш тўла кўзингиз билан жилмайиб қўярдингиз. Илк муҳаббатингизни тўлиб-тошиб ошкор қиляпсиз. Ойим ва отам эса у вақт холамизнинг холасиникидаги тўйда жанжалашаётган бўлишса керак. У оқшомни ҳеч унутмайман. Сиз гапирасиз, мен энтикиб кетавераман. Йиғлайсиз, йиғлашамиз. Ўша оқшом кулгуларимиз ҳам эгизак туғилади. Ҳеч савол бермайман, гапингизни бўлмайман, сизни жимгина тинглайман, холос. Балки айтаётганларингиздан юлдузлар қадар узоқ бўлгандирман, аммо барига юлдузлар қадар жим ва ҳайратдан ярқираб қулоқ солганим рост. Мен сизни, тун эса иккимизни кузатаётгандек. Дахлизнинг чироқлари ёниқ, бошқа тарафдан телевизор тинмай вайсаб ётибди. Нимқоронғи айвонни тутун забтига олади, айвон тораяётгандек бўлади. Ёзнинг илк кунлариданоқ сиз билан айвонга кўрпа таший бошлардик. У пайтлар кўрпалар қанчалар оғир эди-я. Кечаси ерга ёз, тонгда йиғиб ол. Ётиш пайти унча оғир бўлмасди. Гўё уйқумизнинг залвори тўшакларга ўтар, йиққанимизда ёстиқлардан туш тўкиларди. Тонгда кўрпалар оғирлашарди, опа. Сезармидингиз?

Эслайсизми, уйғонганимизда чивинлар фақат сизни чаққан бўларди. Тонг отгунча қашийвериб қўлу оёғингизни қонатиб юборардингиз. Ва яна қонаган баданингизга қарамай чивинларни кечирардингиз. Майли, яшайверишсин, кечирдим уларни, дердингиз. Изи қолмаса бўлди, шивирлаб қўярдинг ўзингизча. Энди айтинг, онамни ҳам кечирдингизми, опа?

Турк тилидан Мирзоҳид МУЗАФФАР таржимаси

Нильс ҲАВ (1949), Дания шоири ва ёзувчиси

Дания пойтахти Копенгагенда дунёга келган ижодкор Нильс Ҳав бугун ўз сўзига эга бўлган шоирлардан бири ҳисобланади. Олтита шеърий ва учта насрий китоби нашр қилинган. Асарлари дунёнинг бир қатор тилларига, жумладан, инглиз, рус, араб, турк, голланд, форс, серб, албан, курд тилларига таржима қилинган. Яқинда Торонта шаҳрида инглиз тилида "Биз бу ердамиз" номли иккинчи китоби чоп қилинди.

ҚОҒОЗДАГИ СЎЗЛАР

Ёзмоқ – фикрнинг қандайдайдир бўшлиғи!
Ҳа, ишонинг бу покиза ҳақиқат.
Қоғоздаги сўзлар бир-бирига тенг,
Бизларда ҳеч нарса ўзгармас фақат
Китоб бу шунчаки китобдир:
Шунчаки жавоннинг безаги,
Миллионлаб китоблар ичида бахтлиси улар!
Ҳали улгурмаган ҳеч ким уларни отишга
Сотишга улгурмаган уларни ҳеч ким
Лекин биз англамаганмиз ҳеч қачон
Ўқилмай чиқиндига чиқар китоблар…

Китоб ёзиш – ўзингни англашнинг,
Оддий бир чапани йўлидир.
Қоғозда қилинган кичик бир хато –
Ногирон пойгачи кабидир.
Ҳаққинг йўқ ўзингни ўзгача санашга,
Сендан муҳимроқ нарсалар дунёда кўпдир.
Сен истамасангда, гарчи,
Шаҳарнинг йўлини ювгучи оддий ҳайдовчи,
Нобелга бизлардан кўра ҳақлироқ.

ЭПИГРАММА

Бутун бир умрингни яшашинг мумкин.
Ғижимланган сўзлар
Ва топилмаган ҳақиқатлар ичида.

Худди венгер газетига,
Ўралган бечора баликдай.
Энг ёмони у ўлиб бўлган,
Энг ёмони тушунмайди венгер тилини…

ПУШКИН ҚАҲВАХОНАСИ

Биз Пушкиннинг қўлида ёзилган,
Роман ва шеърларда яшаймиз,
Биз йўл белгиларини ўзгартирамиз
Йўл белгилари ўзгартирар йўналишларни…
Лекин биз заруратда яшаймиз,
Битта тўшак ва битта кийимда ўтар умримиз!
Қачонки совуқ жонимиздан ўтганда айтамиз
«Москва, мана шу Москва»
Ва биз бўлинамиз. Ҳаммаси ёлғон,
худди ҳаётдагидек.

Сен мудраётган аскар қўлидан
Қуролин олишни қиласан орзу,
Лекин аскар жуда ҳам сергак,
Сени пойлаб чиқар бутун тун,
ва сен бу тунни рақсга тушиб ўтказасан
Пушкин қаҳвахонасида…
Мен эса рус тамакисини тутатиб
Тураман гардероб ёнида.
Нима қолди?
ҳозир сени чорлар Наталя,
ва гапирар ҳақиқий телбалардай
Телбалик, телбалик…

Ҳа, топдинг, Пушкин ҳам худди шундай,
Унинг севгисидан вафот этганди!

Рус тилидан Шоҳруҳ НАЖОТ таржимаси

ҚОРА ШАРПАНИНГ ЎЛИМИ

Ҳикоя

Ток баргига ўралган дўлмани ҳаммамиз – оилавий яхши кўрамиз. Бироқ баргларни бозордан сотиб олгим келмайди. Қандайдир майда, қаттиқ баргларни сотишади. Маҳалла бошидаги уйнинг иккинчи қаватида яшайдиган Доти тоға бинонинг ён томонини чиройли боғча қилиб қўйган. Токларининг баргини айтмайсиз, шапалоқдай, юмшоқ; дўлмаси жуда ширин бўлади.

Бугун ҳам пиширган эдим, битта елим товоқчага (яхши нарса шу, эгасига қайтариш мажбурияти йўқ) тўлдириб териб, устидан қайла қуйиб, Доти тоғани йўқлаб чиқдим. Эшикни қирқ беш, эллик ёшлардаги аёл очди...

Доти тоғанинг миллатини исмига қараб аниқлаш қийин, қиёфасига қараб тахмин қилишга уриниш ҳам беҳуда: йилтиллаб турган кичкина кўзлар, қачондир бурнига офтобда юрса, кўпаядиган хол чиққан-у, ниҳоятда болалаб кетиб, юзининг ярмини эгаллаб олган, бошида Ленинникига ўхшаган кепка, саксон ёшлардан ўтган, эртаклардаги махлуқларни эслатиб юборадиган бир чол эди...

Аёлни кўриб, оббо, Доти тоға-ей, хотини ёшгина экан, деб ўйладим...

...Келаси баҳорда ҳам элбурутдан югуриб бордим. Доти тоға истаганимча барг териб олишимга қўйиб берди. Кейин яна боғ эгасининг улушини олиб бордим. Эшикни йигирма беш ёшлардаги йигит очди ва индамай олиб қолди.

Бир сафар борсам, Доти тоға боғчасидаги бегона ўтларни юлиб юрган экан. Менга барг узишга ҳам ёрдам бериб юборди. Қарасам, суҳбатлашгиси бор. Боғча ичига қўйилган эски, бақувват темир курсига ўтирдик.

– Сен қаерликсан? – деб сўради тоға.

– Навоий вилоятиданман, – дедим.

– Э, ҳа, Навоий, у ёқда тоғам яшайди. Кўрмаганимга йигирма йилдан ошди, кексайиб қолгандир, бир хабар олишим керак, – деди.

Тоғаси бўлса, ўзидан камида йигирма ёш катта бўлиши керак, қазо қилиб кетгандир, деб ўйладим-у, тилимга чиқармадим.

– Ҳа, қариндошлардан хабар олиб туриш керак, – дедим.

– Уруш йиллари биз тоғам билан оғир кунларни бошдан кечирганмиз. Тоғам мени ўзи чилангарлик қиладиган металл қуйиш заводига ишга обкириб қўйган. Ўҳ, у оғир кунлар! Бир сафар Маҳкам деган ишчининг ўзи ва олтита боласига берилган озиқ-овқат карточкасини топиб олганман. Тоғамга айтсам, югур уйга, яхшилаб яшир, деди. Мен заводдан чиқиб кетгач, ҳамманинг чўнтакларини титкилашибди, вақтида қочган эканман, карточкалар биздалигини ҳеч ким билмади.

– Маҳкамнинг болаларига раҳмингиз келмадими?

– Э, у пайтларда раҳм-шафқат деган гап ҳеч кимнинг хаёлига келмасди.

– Кейин нима бўлди? Ўша одамнинг болалари очидан ўлмадими?

– Билмайман. Лекин биз тоғам билан тўйиб нон, картошка ея бошладик. Маҳкам эса ўлиб кетди.

– Ўша Маҳкамга ачинмадингизми?

– Минглаб одамлар тутдек тўкилаётган пайтда қайси бирига ачинасан?!

Доти тоғани бошда махлуққа ўхшатиб адашмаган эканман, унга раҳм-шафқат, инсоф-виждон бегона экан.

– Доти тоға, хотинингиз жуда ёш экан-а, олдин эшикни очарди. Кўринмай қолди.

– Э, уми, хотиниммас, қизим. Уям ўлганига уч-тўрт ой бўлиб қолди.

– Э, бечора, ҳали ёш эди-ку, нима бўлди?

– Билмайман, врачлар юрак ёрилиши, дейишди.

Бирор икки йил баҳорда ток баргини бошқа жойлардан териб келиб юрдим. Бошқа жойлардан ўзим олиб келган баргларга ўралган дўлмалар болаларга ҳам, турмуш ўртоғимга ҳам ёқмади.

– Нимага анави чолнинг боғчасига бормай қўйдинг, шу чол эккан токларнинг барги ширин эди, – деди болаларимнинг отаси.

– Э, шу чолни кўргим келмайди, жуда ёқимсиз одам...

– Ўзи билан нима ишинг бор, баргларни текинга олма, пулини тўла...

Энди чолнинг кўнгли тўладиган ҳақ тўлаб, барг териб келишга қарор қилдим.

– Пул тўласанг, пиширганингдан бермайсан-да, а? – деб аразлаган бўлди чол.

– Йўқ, пиширсам, албатта, олиб чиқаман, – дедим.

Яна елим идишни тўлдириб, дўлма олиб чиқдим. Эшикни қанча қоқсам ҳам ҳеч ким очмади. Товоқчани елим халтачаси билан остона олдида қолдирдим.

Яна бир куни барг олишга чиқдим. Чолнинг "Ўтир, ўтир"и билан ўша қадимий темир курсига ўтирдим.

– Биласанми, мени ишдан бўшатишди, – деди.

– Ие, сиз ишлармидингиз, Доти тоға, жуда кексайиб қолгансиз-ку, – дея ажабландим.

– Ҳа, ҳув анави дорихонада қоровул бўлиб ишлардим, – деди кўча бошидаги дорихонага ишора қилиб. – Менинг навбатчилик пайтимда спиртлар камайиб қолаётганмиш. Ўғирлаб ичаётганмишман.

– Доти тоға, спирт ўғирлаб ичмаслигингизга ўзингиз ишонасизми?

У кўрсаткич бармоғини кўтариб пўписа қилди:

– Ҳаҳ, сен айёрсан, ҳар балони биласан-а.

– Доти тоға, уч-тўрт кун бурун сизга дўлма олиб чиқсам, ҳеч ким эшикни очмади. Остонага қўйиб кетдим. Олдин бир йигит очарди, бу йил кўринмаяпти. Бир кекса одамни ташлаб, Россияга сурган бўлса керак-а, – дедим.

– Ҳа, сурворди, фақат у дунёга, Россияга эмас, – деди чол.

– Вой, шундай ёш йигит, эссизгина, нима бўлди? Асли ким эди ўзи у, жиянингизмиди?

– Йўқ, жияниммас, неварам эди. Қизимнинг ўғли.

Доти тоға қўлидаги ток қайчисини қўйиб рўпарамдаги оёқлари чириб қолган қийшиқ, суянчиқсиз курсига ўтирди.

– Биласанми, улар жуда очкўз эди. Аввал қизим: "Дада, квартирангизни мени номимга ўтказинг, ўлсангиз, ҳужжатлаштириш қийин бўлади, мингта қоғоз йиғиш керак", – деб асабимни бузаверди. Кейин лоп этиб ўзи ўлиб қолди. Мен нега квартирамни унга беришим керак экан, квартира меники, йигирма йил навбатда туриб олганман. Энди, ғиди-бидидан қутулдим, десам, неварам ҳам: "Бобо, квартирани менга ҳужжатлаштиринг, ўлиб кетсангиз, кейин номимга олиш жуда қийин бўлади", – дейишга тушди. Кейин ўзи ҳам лоп этиб ўлиб қолди.

Хаёлимга келган фикрдан даҳшатга тушдим. Қизиниям, неварасиниям ўзи ўлдирган бўлса-чи? Бироқ қандай қилиб? Ҳозир тиббиёт кучайиб кетган, одам нимадан ўлганини экспертиза бирпасда аниқлайди. Ё чол бирор таҳлилда чиқмайдиган заҳар-паҳар берармикан?

Мен ўзимни тутиб олиб сўрадим:

– Иккита одам квартирангизни тортиб олмоқчи бўлса-ю, ўз-ўзидан ўлиб қолса. Одам ишонмайдиган гапни қўйинг, Доти тоға, ўзингиз ўлиб қолишларига ёрдам бергандирсиз!

Доти тоға яна кўрсаткич бармоғини кўтариб пўписа қилди:

– Эҳ, сиз ёшлар ҳеч нарсани билмайсизлар. Умуман, бу нарсани камдан-кам одам билади. Манави ерда, кўкракнинг қоқ ўртасида учта нуқта бор. Шу ерга бир-иккита зарба берилса, ҳар қандай одамнинг юраги ўша заҳоти ёрилиб кетади! Техникасини билган одамга кўп куч ҳам керакмас. Буни менга тоғам ўргатган. Манави ерда...

Доти тоға қўлини мен томон чўзди. Сакраб туриб қочдим.

– Ҳа-а, қўрқдингми, ўзи ҳадеб келаверишингдан сенгаям квартирам керакка ўхшайди!

– Йўқ, керакмас! Сиз маҳлуқсиз, Доти тоға, – дедим барг тўла халтамни қучоқлаб қочарканман.

– Ҳа, қочяпсанми? Қочавер! Эҳтимол, милициягa айтарсан! Айтавер, барибир ҳеч ким ишонмайди.

Бу орада йўлнинг нариги томонида қураётган участкамиз битиб, кўчиб кетдик. Биринчи қилган ишим ҳовлидаги кичкина ерга ток қаламчалари экиш бўлди. Кейин атиргул ва настарин кўчатларини ҳам ўтқаздим. Ёш ўтган сари одам нозик бўлиб қоларкан, ўша олдинги маҳалламизда яшайдиган ҳамшира Муҳаббат опадан муолажа олишга йилда бир, икки борадиган бўлиб қолдим. Муҳаббат опанинг уйи Доти тоғаларникидан кейингиси бўлиб, ўша боғчанинг ёнидан ўтиларди. Бир сафар шу ердан ўтаётиб қарасам, боғча таг-туги билан суриб ташланибди, ўрни цементлаб текисланиб, кўп қаватли уйга тақаб дўкон қурилибди.

– Нариги уйдаги чол ўлиб кетдими? Боғчасини суриб ташлашибди, – деб сўрадим опадан.

Гулнора РАҲМОНОВА

– Ҳа, бир яхши қизи бор эди, шу қари отаси ўлақолмай, қизи дунёдан ўтиб қолди. Кейинги йил невараси қазо қилди. Чол ёлғиз қолиб кетди. Кейин бир бало тузалмас дардга учради. Ҳамма ёғига яра тошиб кетиб, бадбўй ҳиддан квартирасининг яқинидан ўтиб бўлмай қолди. Поликлиниканинг бош врачи: "Опа, ёшлар бормаяпти, ўзингиз боғловга бориб туринг", – деди. Бош врачга йўқ деёлмай бордим, бироқ остонадан ҳатлаб ўтмасимдан кўнглим айниб кетди, бормайман, боғлов ҳам қилолмайман, дедим ишхонага бориб. Бир неча кун қулоғимга ёқимсиз додлаб ётгани эшитилаётгандай бўлиб юрдим. То бош врач ФВВдан газниқоб билан кириб, боғлов қиладиган одам сўраб олгунча бирор ҳафта ўтиб кетди. ФВВдан келганлар кириб қарашса, аллақачон жони чиқиб кетган экан, шулар олиб бориб кўмишган. Ўзбекистонда қариндошлари йўқ экан, қаерга кўмишса кўмишгандир. Россияда узоқ қариндошлари бор экан, биттаси келиб, уйини дезинфекция қилдириб, сотиб кетганмиш.

Қизи ва невараси бевақт дунёдан ўтиб кетмаганида бечора чол бу қадар хор бўлмасди...

– Э, бир ранги совуқ, махлуқ эди, квартирасиниям гўрига олиб кета қолмабди-да, – дедим.

– Ҳали ҳеч ким бу дунё молини кўтариб кетмаган, – деди ҳамшира опа.

Бу қора шарпанинг бадбўй нафасидан дунё шу тариқа ҳалос бўлганидан на хурсанд бўлдим, на хафа...

2020 йил, апрель



Бьёрнстьерне БЬЁРНСОН (1832–1910), норвег адиби, Нобель мукофоти соҳиби

Англашимча, менга тақдим этилган бугунги мукофотни бир миллатнинг иккинчисига ўзига хос ярашиш ишораси сифатида қабул қилиш жоиз. Бу Норвегиянинг иттифоқимиздаги (1814 йилдаги Швеция-Норвегия уришидан кейин Норвегияни 1814-1905 йиллар мобайнида қурол кучи билан ушлаб турилган иттифоқ назарда тутиляпти) тенг ҳуқуқли ўрни учун олиб борилган, ҳатто айрим қарашларим Швециядаги баъзи доираларнинг ғазабланишига сабаб бўлган узоқ давом этган курашдан кейинги ярашишдир. Менга ушбу мукофотни топшириш қарори айнан шу мамлакатда қабул қилингани бунга бир сабабдек. Адабиётнинг инсонлар муносабатидаги ўрни борасидаги ўз фикримни билдиришга берилган имкониятдан жуда хурсандман. Башарият тараққиёти борасида ўсмирлигимдан тасаввуримда жонланган бир тимсол борасида қисқача сўз юритишга ижозат бергайсизлар. Бу ҳақда ўйлаганимда нигоҳим олдида аёллар ва эркакларнинг олдинга тинмай ҳаракатланаётган тантанали юриши жонланади.

САНЪАТДАН ҲАЁТ МАЪНОСИНИ АНГЛАШГА ИНТИЛАМИЗ

Нобель нутқи

Улар юраётган йўл бир текис эмас, бироқ у, албатта, юксак мақсад сари олиб боради. Уларни бу йўлда қатъий бир куч бошқаради, инсонлар дастлаб бу кучга беихтиёр бўйсунадилар, бироқ бора-бора уларнинг ҳаракатида онглилик пайдо бўлади. Тараққиёт ҳеч қачон онгли саъй-ҳаракатлар натижаси бўлмаган, бу ҳеч кимнинг қўлидан ҳам келмайди. Тушунча жойлашган манзилга онгли равишда интилиш ва бунинг учун ғайриихтиёрий равишда олға интилиш барчамизга хос, қандай интилиш эса – тасаввуримиз шиддати билан боғлиқ. Айримларимизда келажакни ҳис қилиш шу даражада кучлики, у олдиндаги энг узоқ манзилларни ҳам, уларга олиб борувчи ҳамда инсоният юриши жоиз бўлган сўқмоқларни ҳам кўришга имкон беради. Онгимиз шаклланишида эзгулик ва ёвузликни ажрата олиш қобилиятимиз асосий аҳамият касб этади. Бусиз кўнгил мувозанатига эришиб бўлмайди, шунинг учун мени ёзувчилар қўлга қалам олганда, барча руҳий-ахлоқий тамойиллардан воз кечиши керак, деган қарашлар таажжубга солади. Бундай ҳолатда онгимиз эзгулик ва ёвузлик, муҳаббат ва нафрат, олийжимматлик ва пасткашлик, мардлик ва тубанлик ўртасидаги фарқларни англамайдиган ҳиссиз фотоаппаратга айланиб қолиши шубҳасиз.

Мен ҳозир, онгли инсон мингйилликлар маданий меросини ўзидан узоқлаштириши мумкин бўлган чегара қаерда, деган муммони кўтармоқчи, яъни кўплаб инсон авлодлари бугунги кунда амал қилаётган тамойиллар борасидаги мулоҳазаларга тўхталмоқчи эмасман. Шунга қарамай, бир саволни беришдан ўзимни тўхтатолмайман: нима учун шу қарашларга мойил бўлган қаламдош дўстларимиз у ёки бу бадиий тимсолларни танлашади, нима учун уларнинг барини эмас, айримларини афзал кўришади? Танлов шунчаки ихтиёрсиз равишда кечадими? Нима учун бундай ёзувчиларнинг тасаввур кучи билан яратган қаҳрамонлари ва тасвирлари кучли ҳамда унутилмас таассурот уйғотади ўқувчида? Таъкидлаш жоизки, буларни яратиш учун адибларимизни нимадир ҳаракатга келтирган, бошқарган, айтиш мумкинки, бу тимсолларни ўзлари танлашмаган.

Улар буни асло рад этишолмайди. Бундай ёзувчилар, худди бошқалар каби, барчамиз мингйилликлар оша асраб келган ахлоқий тамойиллардан воз кечолмайдилар. Улар билан бизнинг ўртамиздаги ягона фарқ – биз онгли равишда ахлоқий топиндиларга хизмат қиламиз, улар эса буни инкор этишга интиладилар. Бундан ташқари, ахлоқ қоидаларига зид бўлиб туюлувчи барча нарсалар ҳам моҳиятан бундай эмаслигини таъкидлаган бўлардим. Биз ҳамиша амал қиладиган, биз учун одатий бўлган ғоя, тамойил ва қонун-қоидалар ўз вақтида исёнкор бўлган. Фикримнинг моҳияти шундаки, ўз ижодида бирор мақсад, йўналишнинг мавжудлигини инкор этадиган ёзувчи ўз инкори билан, қарашини исботлаш йўлида айтган ҳар бир сўзи билан ижодидаги айнан у ёки бу йўналишни ифода этиб қўяди.

Мен ёзувчи қанчалик руҳий эркинликка интилса, анъанавийликнинг муайян шаклига шунчалик мойиллигидан далолат берувчи кўплаб мисоллари адабиёт тарихидан кўплаб келтиришим мумкин. Қадимги Юноннинг буюк яратувчилари инсонларни ҳам, илоҳларни ҳам адолат қонунлари бўйича муҳокама қилганлар. Шекспир пьесалари Вальгалланинг *(Вальгалла – "марҳумлар зали" маъносини беради)* буюк талқини саналади. Унинг учун ўзи қаламга олган бутун олам жанг майдони эди, у шу жангларни тасвирлашда юксак шоирона ҳиссиётларга амал қилар ҳамда у ишонч ва ҳаётнинг туганмас имкониятларини улуғлашга ундарди.

Мольер ва Хольбергнинг персонажларини истаганча қайта жонлантириш мумкин. Фақат драматург қаҳрамонлар олдига қўйган вазифани самимий бажараётган, бесўнақай уламасоч ва кийимлар кийган қаҳрамонларга қайтадан ўз нуқтаи назаридан ёндашилса кифоя.

Шекспир ҳақида сўз юқорида сўз юритдим, лекин Гёте ва Шиллер ўз ижоди билан бизнинг ҳаётимизга Элизиумни (антик мифологиядаги Ернинг ғарбидаги фаровон жой бўлиб, у ерда Яратганнинг танланган бандалари шодон яшайдилар) олиб киришди, бу орқали кўк гумбази бизга яқин бўлиб қолди, ҳаёт эса қувончли ва бахтлироқ бўлди. Таъкидлаш жоизки, мазкур қуёш нуридан бахра олган Тегнер ва Эленшлегер, Байрон ва Шелли ўз ижодларига антик беназирликни олиб киришди.

У даврлар ҳам, ўша вақтнинг тафаккур эгалари ҳам абадийликка ғарқ бўлди, бироқ мен бугунги кун эгалари – мазкур ривожланиш йўлидан ажратиб бўлмайдиган икки буюк замондошимни тилга олиб ўтишни лозим кўраман. Энг аввало, айни вақтда бетоб бўлган ўз ҳамюртим, қалин дўстим борасида сўз юритсам *(Генрик Ибсен назарда тутиляпти)*. Айнан у Норвегия қирғоқлари бўйлаб кўплаб сузгичларни ёқди, улар денгизчиларни ҳамиша кутилажак ҳавфдан огоҳ этиб, уларнинг йўлдан адашишларига имкон қолдирмай келмоқда. Мен, шунингдек, биздан шарқда жойлашган қўшни мамлакатда ижод қилаётган, ўзининг руҳий зиёси билан кўплаб инсонларнинг қалбини ёритаётган буюк кекса ёзувчини *(Л.Н. Толстой назарда тутиляпти)* ҳам тилга олишни жоиз деб биламан. Унинг эзгу саъй-ҳаракатлари ёққан руҳий аланга кузги шамолда кучайгандек инсонлар қалбида тобора гуркирамоқда.

Мен айни вақтда аниқ ғоявий санъатнинг қандай қабул қилиниши борасида сўз юритишни лозим топмайман, зотан вазият ё бор, ё йўқ қабилида экани кундай равшан. Мен атайин шундай қилинаётганини ҳис қилмоқдаман ва бу мени қаттиқ ранжитмоқда.

Агар ғоявийлик ва бадиийлик асарда тенг миқдорда бўлса, бу жуда яхши. Юқорида қайд қилинган икки буюк адибга тегишли ҳолатда айтсак, эҳтимол, таъкидлаш жоизки, ғоявийликдан эҳтиёткор бўлиш айримларга ваҳимали бўлиб кўриниш мумкин. Бадиийлик нуқтаи назаридан эса у бизни жуда узоқ топиндиларга етаклаши ва бу йўл қўрқинчли туюлиши шубҳасиз. Аммо энг муҳим жиҳат шуки, бундан бизнинг яшаш учун курашга бўлган иродамиз сусаймайди, аксинча, кучаяди. Қаршимизда қад ростлайдиган қўрқув бизни йўлдан адаштирмаслиги даркор. Олға интилиш, ўз йўлида давом этиш шарт. Одатда, инсоният ҳаётида эзгуликлар устун эканига, ҳатто энг даҳшатли бахтсизликлардан кейин ҳам она сайёрамиз сўнмас ёритгичнинг қудратли зиёсига тўлишини англашимиз керак. Бу йўлда бизга ҳамиша ишончимиз йўлдош бўлиб хизмат қилади.

Сўнгги вақтларда Виктор Гюго ижоди менинг эътиборимни ўзига қаттиқ жалб қилди. Унинг ёрқин салоҳиятига ҳаётнинг гўзаллигига ишонч асос бўлиб хизмат қилмоқда ва бу ижодининг рангинлигига сабаб бўляпти. Кўплар унинг камчиликлари, сунъийлиги, ғайритабиийлиги борасида сўз юритишяпти. Аммо ижоди борасида тилга олинаётган барча камчиликлару ожизликларни унинг бадииятидаги ҳаётдан завқланиш ҳислари босиб кетади. Бу эса ўзини сақлаш инстинкти таъсири орқали юзага келади, боиси, агар биз дунёда эзгуликдан кўра ёвузлик кўп, деган ақидадан келиб чиқсак, ер юзида ҳаёт аллақачон барҳам топган бўларди. Агар кимдир ҳаётнинг фақат қоронғу томонларини баён қилар экан, унинг яратган асари ҳаёт кўринишининг янглиш тасвири бўлиб қолади. Шу билан бир вақтда мен ҳаётнинг зулматли жиҳатларини англаш инсониятга фақат зиён келтиради, деган фикрга ҳам қўшилмайман. Асло бундай эмас.

Фақатгина иродаси заифлар ва худбинлар ҳаётда қабиҳ ҳодисалар мавжудлигини кўтаролмайди, қолганлар эса бунга қодир. Агар бизни ўз битиклари билан қўрқувга солмоқчи ёки уятда ёқмоқчи бўлганлар бизга ҳаётда ҳар нарсага қарамай, бахтли бўлиш имконияти бор, деган хулосани сингдиришга қодир бўлолганларида эди, биз, ҳа, мазкур адиб ихтиёри билан шундай сюжет яралибди-да, деб қўярдик, холос. Аслида эса бу адиб қаламидан яралган бундай асар бор-йўғи бир шов-шув бўлиши, айрим вақтда эса ҳатто шу ҳолат ҳам юз бермаслиги мумкин. Табиийки, ўқувчи бундай асардан икки карра ихлоси қайтади. Чунки муаллифнинг ҳаётга бўлган салбий қараши ярқ этиб кўзга ташланиб туради. Яна бир жиҳат – адиб ўқувчини ўз ортидан эргаштиролмайди. Маҳорат етишмаслиги шунга олиб келади.

Инсон ўз зиммасига қанча кўп юк олса, у ўз имкониятини ва кучини шунчалик холис баҳолай олиши жоиз. Бордию, кимдир ўзини шу юкни кўтаришга лойиқ деб биларкан, шунчалик оғир меҳнатни амалга ошира олишига ишонар экан, марҳамат, бизни ортиқча сўзларни ва тасвирларни ёки қўрқинчли воқеаларни ўқишдан халос этсин: фақат ва фақат бадиий образларни тасвирласин. Санъатдан биз ҳаёт маъносини англашга интиламиз, биз уни тўкилаётган шабнам томчисидан ҳам, яшин чақнашидан ҳам излаймиз. Санъат асари шундай жиҳатларни топишга кўмаклашган чоғда биз чексиз қувончни ҳис этамиз. Бунга эришолмаган чоғда эса қалбимизда аччиқ надомат туямиз. Онгимизга чуқур ўрнашган эзгулик ва ёвузлик тўғрисидаги тасаввурлар ҳамиша ҳаётнинг барча жабҳаларида катта аҳамият касб этган, у билим олишга, яшаш учун курашга бўлган чанқоқлигимизнинг ажралмас қисмини ташкил этади. Санъатнинг мақсади – барча қалбларга эзгулик уруғини сочмоқ бўлиб, бу уруғлар қанчалик кўп бўлса, шунчалик яхшидир.

Мен содиқ хизмат қилиш истагида бўлган ва ҳамиша ёқлайдиган ҳамда сизларга англатмоқчи бўлган топиндилар ана шулардан иборат. Мен санъатга дахлдор инсон, ёзувчи ахлоқий мажбуриятга эга эмас, дея ҳисобловчилар қаторига кирмайман. Аксинча, у бошқаларга нисбатан бу борада кўпроқ масъулиятга эга. Зотан, тараққиёт йўлида одимлаётган инсонларнинг олд сафида айнан улар боришади.

Мен Швеция академиясига адабиёт соҳасидаги хизматларимнинг эътирофи учун чуқур миннатдорлик билдираман. Энди эса адабиётдаги барча эзгуликлар учун қадаҳ кўтаришга ижозат бергайсизлар!

1903 йил, 10 декабрь.
Швеция, Стокгольм

Рус тилидан
Масъуд ТУРСУНЗОДА
таржимаси

Муассис:

"TAFAKKUR BULOG'I" масъулияти чекланган жамияти

Таҳрир ҳайъати:

Акмал САИДОВ
Дилшод САИДЖАНОВ
Сирожиддин САЙЙИД
Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ
Шароф УСНАТДИНОВ
Шуҳрат РИЗАЕВ
Рустамбек ШАМСУТДИНОВ
Муртазо СУЛТОНОВ
Аҳрор АҲМЕДОВ
Бахтиёр ИСҲОҚОВ
Тоштемир ТУРДИЕВ
Шуҳрат НОСИРОВ
Қўчқор НОРҚОБИЛ

Ҳамкорларимиз:

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи

Бош муҳаррир
Хосият РУСТАМОВА

Маънавий-маърифий, адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий газета

№ 4521 буюртма
Газета 2001 йил 8 декабрдан чиқа бошлаган.

ISSN 2010-6122

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0258 рақам билан 2012 йил 26 январда қайта рўйхатдан ўтган.

Саҳифаловчи:
Шахобиддин МАХМАДИЕВ

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Телефонлар:
(71) 244-36-97
244-36-99
244-36-90

e-mail:
kitobdunyosi@mail.ru

Материаллар газетадан кўчириб босилганда "Китоб дунёси"дан олингани кўрсатилиши шарт.

Баҳоси келишилган нархда

Адади: 5948

Босишга топшириш вақти – 19.00
Топширилди – 19.00
№ V – 4179

Газета "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ҳажми А-2 бичимда, 4 босма табоқ, офсет усулида

Лекин мен қаердан бошлайман йўлни?

Шармила РАЙ,
ҳинд шоираси

САРНАТ

Сукунат ва хотиржамликда
харобалар ичра сангийман.
Сарнат кенгликлари узра
ҳар бир тош Буддадир,
Боди-Брикшадир ҳар дарахт.
Ғоялар тўзони аро курашиб
вақт ўз ҳикоясин
ёзар бу ерда.
Қатъий тарих вақт оқимида
илонлар билан
ўйин кўрсатади тўлғониб.
Қуёш водий бўшлиқларин ёритар экан
бир он бўлсада
намоён бўлади унут лаҳзалар.

ДЕНГИЗ ЧИҒАНОҒИ

Ичида денгиз шовқини жўшган
чиғаноқ топиб олдим.
Ҳар тун уни қўяман ёстиқ остига
қулоғимга садоси келмоғи учун.
Ҳар тун энди бўй кўрсатар
қитъаларнинг серсув хариталари.
Ҳар тун ернинг қуёш қиздирган
сўқмоқларига некбин умиднинг
уруғлари экилар чуқур.

Лекин денгизнинг бу хотира китобида
ҳеч нарса йўқ, фақат тўлқинлар -
сирли коинотга ҳамоҳанг, асов.

ЧУНКИ

Чунки бизга аҳамиятли,
эзмаланган тушлик маҳали
пардасиз, жиҳозланмаган хонамиз
олтиндек ялтирайди ва
иккимиз қатъий босилган
нуқталар каби
Бир ёстиққа бош қўямиз ёнма-ён.

Чунки бизга аҳамиятли,
ўчаётган лампа соялари
девордаги суратлардек намоён,
сен менга хотиралар улаш,
мен эртанги кунимни қиламан ваъда.

Чунки бизга аҳамиятли,
ўйнашар эканмиз
қўрқувларимиз билан,
баттар кучаяди
ёлғизлик яратган бетгачопарлик.

Чунки бизга аҳамиятли,
юлдузлар, одатлар
ва дўстларимиз шу ерда,
лекин ернинг бошқа яримшарида
ҳеч зотнинг олдида қадримиз йўқдир.

САЁҲАТ

Бир жой топишга ошиқаман,
Ибодатхона
Черков
Масжиддан
узоқроқда жойлашган,
токи унга яшиллик инмаган ва
гуллари ниш урмаган,
баҳрига осмоннинг кўзлари соя солган ва
шамол телбанамо товушин
чиқариб эсадиган,
ҳавосида ўрмон ёнғоғи ва
пишган гуаванинг ифори бор
бир жой бўлса.
Лекин мен қаердан бошлайман йўлни?
Хиралашиб бораверар фитратим,
ҳар бир оқшом бошқасин изидан етар,
ортида ҳеч қандай из қолмас, фақат
йўлларда янчилган ўтлар ва
эзилган бошоқлардан бўлак.
Ғариб ой ўзининг ожиз нурларин
жонсиз ер узра таратар мулзам.

Аслида!

Ҳамон интиламан
қадам-бақадам.
Токи ишончим бор,
излаганим – бокира,
серқуёш, жонли бир диёр.

УНУТМОҚ ОСОН

Бармоғимни бигиз қилиб,
мени "мен", сени "сен" деб
кўрсатган куним,
"биз" ўлган бўламиз.
Кунлар тунлар ила
қовушганини,
нур зулматга алмашганини
хотиржам унутганман мен.
Шунингдек,
орзулар акс этган маъюс
кўзларингга термулишни ҳам
чиқарганман ёдимдан.
Дунёни, сени ва мени
хаспўшлашга андармон бўлиб,
мавжуд бўлмаган
нарсалар азоби ҳам ёдимда йўқдир.
Мавжуд бўлгани –
ичингдаги "мен"га муҳаббат.

ҚАНИЙДИ

Қанийди вақт мужмал бўлмаса,
қанийди суякларим ёнмаса қуруқ ўтиндек,
қанийди ўлим ва Ҳақ бўлмаса чин.

Қанийди
қанийди
қанийди...

Ноумид бўламан бу некбинликдан.
Кафтимга ин қурган аланга,
бир бўшлиқ ва бир сиқим чўғ
тилкалар кўксимни беаёв,
вужудимни қамраб олар асабий, сирли,
дашном бериб, хушомад қилиб
етаклайди ўлим остонасига.

Инглиз тилидан
Фарруҳ ҲАСАНОВ
таржимаси

ХОРИЖДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗ ЮЗАСИДАН СИЗНИ ҚИЗИҚТИРУВЧИ БАРЧА САВОЛЛАРГА УЛАРНИНГ ЎЗЛАРИДАН ЖАВОБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН!

Роберт АДАМСОН, Австралия, Сидней Адабиёт ҳамжамияти мутахассиси.

Беттина БАЛЕКА, Австрия, шоира, "Австрия адабиёти учун" давлат мукофоти маслаҳат кенгаши аъзоси

Кристофер ФОРД, АҚШ, Мичиган университети илмий ходими.

Рикардо ДОМИНИК, Бразилия, Жанубий Америка инглиззабон шоирлар ассоциацияси маслаҳатчиси.

Ҳусайн ибн ҲАМЗА, Германия, Германиядаги шарқлик шоирлар уюшмаси раҳбари.

Акиф ХОНСУЛТОН, Грузия, "Қорапапақлар" илмий журнали Бош муҳаррири.

Мзвакхе ИБУЛИ, Жанубий Африка Республикаси, Африка Миллий шеърият академияси саркотиби.

Нилл АЙТКЕН, Канада, Торонто адабий таржима бирлашмасининг Осиё мамлакатлари бўлими бошлиғи.

Ким Бит НА, Корея-Ирландия, Ирландия Миллий университети шарқшунослик факультети илмий ходими.

Ҳангюк АГИАТ, Непал шоири, "Ражан Мукарунг" ёзувчилар кенгаши етакчи мутахассиси

Ҳонг ИН, Хитой адибаси, Пекин таржима маркази ходими

Зарина КАНУКОВА, Қабардин-Болқор, "Горянка" газетаси Бош муҳаррири.

Олтинбек ИСМОИЛОВ, Қирғизистон, Манас университети ўқитувчиси, шоир.

Эркин СЕРИКБАЕВ, Қозоғистон, "Жалин" журнали масъул котиби.

Зера БЕКИРОВА, Қирим, "Янги дунё" газетаси Бош муҳаррири.

Ҳадда СЕНГОР, Мўғулистон, Мўғулистон Ёзувчилар Иттифоқининг "Халқаро алоқалар" бўлими бошлиғи.

Ханне ЭРСТАВИК, Норвегия жамияти етакчи мутахассиси.

Акбар ҚЎШАЛИ, Озарбойжон, Дунё ёш туркий ёзарлар бирлиги раиси.

Алмаз УЛВИ, Озарбойжон, навоийшунос олима, профессор.

Рафиқ САЙДУЛЛО, Россия (Архангельск), Шимолий (Арктика) федерал университети талабаси.

Нилуфар ШИХЛИ, Россия (Москва), журналист.

Изабелла ТАН, Филиппин, Филиппин Шеърият академияси котиби.

Эллимаия СЕО, Финляндия, Финляндия Таълим маркази етакчи мутахассиси.

Денис ЭМОРИН, Франция, "Париж йилномаси" нашри мутахассиси.

Антонис ФОСТИЕРИС, Юнон шоири, ҳуқуқ фанлари доктори, Афина миллий университети профессори

Кимиё ТАНАКА, Япония, "Шики Хайкусфер" лойиҳаси раҳбари.